O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUB PALATASI
INV.№

VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTÚN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

2 (2) 6 ноябрь, пайшанба 2008 йил • Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

Олий юридик кучга эга ҳужжат

3-бет

Кутубхона бойитилмоқда

5-бет

Иқтисодиётдаги курашлар

7-бет

Ўзбек номини дунёга таратаётган жамоа

8-бет

МТ БУГУНГИ СОНДА:

ПАРТИЯ ҲАЁТИ ВА ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ 2-бет
- Юрт ва халқ манфаатлари устун ва устувор
- Кенг имкониятлар

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ 3-бет
- Бебаҳо қадрият

МАДАНИЙ ҲАЁТ 4-бет
- Иқтисодий мустақиллигимиз негизи
- Агрофирманинг дадил одимлари

МАЪНАВИЯТ ВА ЁШЛАР 5-бет
- Мактабда олинган билим
- Бешикда ўсган бола

ЖАРАЁН 6-бет
- Миллий энциклопедия — миллий тикланиш кўзгуси
- Халқ руҳияти

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН 7-бет
- Шанхайда Ўзбекистоннинг сармоявий имкониятлари муҳокама қилинди

СПОРТ ВА МАДАНИЯТ 8-бет
- Спортчиларимиз XIX Гелиополис халқаро мусобақасида муваффақиятли иштирок этди
- Бобо қўрғонларни тиклаган ғиштлар

МАФКУРА

Юрт ва халқ манфаатлари устун ва устувор

Абдуғафур МАМАТОВ,
ЎзМТДП Марказий Кенгаши аъзоси

"Ҳозирги энг муҳим, энг долзарб вазифамиз жамиятимиз аъзоларини, авваламбор, вояга етиб келаётган ёш авлодни камол топтириш, уларнинг қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, ўз Ватанига меҳр-садоқат туйғусини уйғотиш, ўзлигини англаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборатдир."

Ислом КАРИМОВ

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимиздаги сиёсий партиялар фаолиятининг мутлақо янги босқичга кўтарилишига замин яратди. Хусусан, жамиятни демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш ҳамда фуқаролик жамиятининг туб асосларини бунёд этиш, жамиятда ҳақиқий маънода кўппартиявийлик тизимининг вужудга келиши мавжуд сиёсий партияларнинг мамлакат тақдирига дахлдор масалалардаги иштирокини янада юқори поғоналарга кўтарди.

Ҳозирга келиб сиёсий партияларнинг эркин фаолият юритиши учун барча ҳуқуқий ва иқтисодий асослар яратилганлиги туфайли сиёсий партияларнинг роли кескин ошиб бормоқда. Сиёсий партиялар мамлакат ҳаётига фаол аралашуви сезилмоқда ва улар жамиятда ҳақиқий сиёсий кучга айланмоқда. Янгидан ташкил топган Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси қандай мақсадларни кўзламоқда?

(Давоми 2-бетда)

ЖАРАЁН

Келажагимиз замонавий технологияларга боғлиқ

Гулбаҳор УМУРЗОҚОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Ҳозир глобал дунёда кечаётган иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг келажаги илғор технологиялар ривожи билан ўлчанмоқда ва унга боғлиқ бўлиб қолаётир.

Замонавий тараққиёт шиддати нимадан дарак бермоқда? Аввало, вақт қадри биринчи ўринга чиқди. Тўғри, вақтнинг аҳамияти барча даврларда ниҳоятда юксак бўлган. Лекин ўтаётган сониялар қадр-қиммати ҳеч қачон ҳозиргидек ҳал қилувчи омилга айламанган эди. Халқимизда "Вақтинг кетди – нақдинг кетди" деган пурмаъно мақол бор.

Бугун олимлар, жамоатчилик вакиллари дунёда инсон ҳаёти учун зарур бўлган ресурс ва заҳиралар тобора камайиб бораётганлиги хусусида куюнчаклик билан бонг уришмоқда. Айниқса, энергетика ва чучук сув заҳиралари ниҳоятда катта тезлик билан камайиб кетаётганлиги, ҳозирнинг ўзидаёқ бир миллиарддан зиёд одам сув танқислигидан азият чекаётганлиги ҳақида матбуотда кўплаб чиқишлар қилинмоқда. Бунга бир томондан глобал исиш туфайли дарёлар тўйинадиган тоғлардаги музларнинг шиддат билан эриб, йўқ бўлиб кетаётгалиги бўлса, иккинчидан саноат ишлаб чиқариши, энергетика катта миқдордаги чучук сувни истеъмол қилаётганлиги сабаб бўлмоқда. Ишлаб чиқариш, энергетика ва қишлоқ хўжалигида сувни тежашнинг энг мақбул йўли нанотехнолияларга бориб тақалади.

(Давоми 6-бетда)

ЎзМТДП ХРОНИКАСИ

Амалий мулоқот

Г.УМУРЗОҚОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси Мафкура ва маънавий-маърифий масалалар бўлими ва Тошкент шаҳар кенгаши ҳамкорликда пойтахтимиз жамоатчилиги билан бир қатор тадбирлар ўтказди.

Жумладан, "Ўзбекистон почтаси" очиқ акциядорлик жамияти мажлислар залида алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ходимлари билан давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида илгари сурилган ғоя ва мақсадлар асосида "Маънавият ва комил инсон" мавзусида бевосита мулоқот тадбири ўтказилди.

— Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Дастурида маънавий тикланиш ва юксалиш, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, фарзандларимизни билимли ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш масалалари етакчи ўринда туради,- деди тадбирни очар экан партия Тошкент шаҳар кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Рустам Қосимов. - Шу нуқтаи назардан давлатимиз раҳбарининг "Юксак маънавият – енгилмас куч" китоби миллий истиқлол ғояси ва мафкурасини, жамиятимизнинг маънавий қиёфасини, ёшлар тарбиясида оиланинг ролини, миллий турмуш тарзимизга нисбатан бўлаётган таҳдид ва хуружларни кенг ва чуқур таҳлил қилинган асар сифатида алоҳида аҳамиятга эга.

— Глобаллашув жараёнларида миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, халқимизнинг миллий ўзига хослигини сақлаб қолиш ва шу билан бирга замонавий фан ва технологияларни пухта эгаллаш ҳамда пировардида тараққий этган мамлакатлар сафидан муносиб ўрин олиш асосий вазифаларимиз эканлигига Президентимиз сизу бизнинг эътиборимизни қаратганлар,- деди тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП МК ИҚ раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев. — Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар инсон манфаатларини кўзлаши билан бир қаторда, чуқур миллий руҳ билан суғорилганлиги, асосий эътибор ҳар томонлама етук комил инсонни тарбиялашга қаратилаётганлиги ҳамда ана шу жараёнларда партиямиз ҳам бор куч ва имкониятлари билан фаол иштирок этиши лозим. Президентимиз таъкидлаганларидек "Маънавият қотиб қолган ақидалар йиғиндиси эмас, аксинча, доимий ҳаракатдаги узлуксиз жараён бўлиб, тараққиёт давом этар экан, унинг шиддатли юриши туфайли маънавий ҳаёт олдига қўйиладиган талаблар ҳам муттасил пайдо бўлаверади".

Тадбирда сўз олган ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Акрам Жумаев мамлакатимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, одамларга муносиб турмуш шароитларини яратиб бериш, маънавий юксалишга эришиш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилганлигини таъкидлаб, бу борада депутатлар зиммасида алоҳида масъулият борлигини, чунончи, қонун ижодкорлиги фаолиятида ва қарорлар қабул қилишда халқ ва Ватан манфаатлари доимо устувор бўлиши лозимлигини ҳаётий мисоллар орқали гапириб берди.

Тадбирда партия Марказий Кенгаши ва Тошкент шаҳар кенгаши аъзолари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутатлари иштирок этиб, тадбир қатнашчилари билан ўзаро мулоқотда бўлишди.

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

Ёшлар билан учрашув

Дилноза ҲАЙИТОВА,
«Milliy tiklanish» мухбири

Жорий йилнинг 1 май куни давлатимиз раҳбари томонидан «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармон қабул қилинган эди. Мазкур Фармонда белгиланган бир қатор вазифаларнинг амалий ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Ижроия Қўмитаси ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Маркази ҳамкорлигида «Инсоний қадр-қиммат ва адолат барча учун» мавзусида ёшлар билан учрашув ташкил этилди. Бўлажак ҳуқуқшунослар, файласуфлар, журналистлар даврасида бўлиб ўтган учрашувда ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчлик палатасидаги фракцияси ва МК Ижроия Қўмитаси аъзолари иштирок этдилар.

Тадбирни ЎзМТДП МК Ижроия Қўмитаси раиси Ахтам Турсунов очди. Партия раҳбари ўз маърузасида «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» республикамиз мустақилликдан сўнг қўшилган биринчи халқаро ҳуқуқий ҳужжат эканлиги, демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаган Ўзбекистон бугун инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини жамиятни ривожлантириш ва давлат қурилиши, бутун ички ва ташқи сиёсатининг энг устувор йўналиши қилиб белгилаганлигини, декларация қоидалари мамлакатимиз Конституциясида, миллий қонунчилик меъёрларида ўз ифодасини топганлиги тўғрисида батафсил тўхталиб ўтди.

Ҳамма одамлар ўз қадр-қиммати ҳамда ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғиладилар. Уларга ақл ва виждон ато қилинган, бинобарин бир-бирларига нисбатан биродарлик руҳида муносабатда бўлишлари керак.

«Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» 1-модда

- Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларни изчил ва қатъий бажариб келмоқда. 1997 йилдан бошлаб Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий Марказ фаолият юритиб келаётганлиги, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларига оид меъёрларни таъминлашда етарли даражада имкониятлар мавжудлигини кўрсатиб беради,- дейди Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Маркази директорининг ўринбосари Аҳмаджон Исмоилов.

(Давоми 2-бетда)

ПАРТИЯ ҲАЁТИ ВА ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ

ФРАКЦИЯ

Гулбаҳор УМУРЗОҚОВА,
«Milliy tiklanish» мухбири

Маънавият — миллат қудрати

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида бугунги глобаллашув жараёнида маънавият масаласи билан боғлиқ муаммолар, унинг ечимлари,ҳамда зиммамиздаги вазифалар теран очиб берилди. Халқимиз, миллатимиз фахрланадиган миллий анъаналар ва қадриятларимизни сақлаш тарафдорлари бўлган инсонлар манфаатларини ҳимоялашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси олдида ҳам бу борада масъулиятли вазифалар турибди.

ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик Палатасидаги фракциясининг «Маънавият — инсоннинг улғайиш ва куч-қудрат манбаидир» мавзусидаги тадбири ҳам ана шу мақсадда ўтказилди. Унда ЎзМТДП МК ва Ижроия қўмитаси аъзолари, Тошкент шаҳар кенгаши фаоллари, депутатлар ва ОАВ вакиллари иштирок этди. Давра суҳбатини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, фракция раҳбари Х.Дўстмуҳаммедов очар экан, глобаллашув ва ахборот асри бўлган бугунги даврда инсон маънавияти ва тафаккурини забт этиш йўлида бўлаётган таҳдидларга қарши фақат миллий ғоямиз, миллий-маънавий қадриятларимиз орқали курашиш, бунинг учун халқимиз, айниқса, ёшлар онгига уларни чуқур сингдириб, мафкуравий иммунитетни ҳосил қилиш ҳаётий заруратга айланаётгани, бунга жавоб сифатида дунёга келган мазкур асарни ҳаётга тадбиқ этиш, халқимизга етказиш партия Дастурида ўз аксини топганлигини алоҳида таъкидлади.

Тадбирда сўзга чиққанлар томонидан «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида маънавиятнинг маъно-мазмуни, унинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, бу мураккаб ва серқирра тушунчанинг назарий ва амалий жиҳатлари ҳар томонлама кенг қамровли фикр-мулоҳазалар орқали таҳлил этилганлиги, бугунги мураккаб глобаллашув даврида маънавият соҳасида вужудга келаётган долзарб муаммолар, халқимиз маънавиятини асраш ва юксалтириш, айниқса ёш авлоднинг қалби ва онгини турли зарарли ғоя ва мафкуралар таъсиридан ҳимоя қилиш масалалари кенг ёритиб берилганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Тадбирда китобда белгилаб берилган вазифалар, йўл-йўриқларни амалга ошириш, айниқса маънавий тарбия, ғоявий-маърифий ишлар ҳамда тарғибот-ташвиқот соҳасида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг олдида масъулиятли ишлар турганлигини, партия бутун куч-қувватини ана шу масалаларни бажаришга сарфлаши лозимлиги уқтирилди.

Шунингдек, тадбир иштирокчилари маънавий-маърифий тарбия борасидаги амалий ишларимизда ҳали камчиликлар борлиги, уларни бартараф этиш учун партия ўз фаолиятини янгича асосда ташкил этиши зарурлигини қайд этдилар.

Давра суҳбати якунида мазкур йўналишда партия олдида турган вазифалар ҳамда уларни амалга ошириш юзасидан тадбирлар белгилаб олинди.

МАФКУРА

Юрт ва халқ манфаатлари устун ва устувор

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мазкур сиёсий куч мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида ўзини қандай намоён қилиши керак ва қандай воситалар билан ўз ўрнига эга бўлиши лозим, деган саволлар, табиийки, бутун электоратни қизиқтириши тайин. Аҳоли орасида партиянинг нуфузини ошириш, халқ ичига кириб бориш нафақат партия аъзоларининг фаоллигига, балки партиянинг нечоғлик катта сиёсий куч сифатида намоён бўлишига боғлиқ.

«Миллий тикланиш» демократик партияси мамлакатда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни миллий анъаналар билан қўшиб олиб бориш, тараққий этган мамлакатларнинг илғор ва ижобий тажрибасини ўрганиш асосида миллий қадриятларимизни асраш, тарихимиздаги энг муҳим қадриятлар замонавий миллий давлатчилигимизда акс этиши, тилимизни асраб-авайлаш ва уни янада ривожлантириш, ўзбек оиласига хос бўлган "оила- муқаддас" каби улуғ ҳикматни ҳаётга тадбиқ этиш каби эзгуликка йўғрилган улуғ ишларни амалга оширишни мақсад қилиб олган.

Партия фуқароларнинг қонуний манфаатларини ва сиёсий иродасини ифода этади. Ўз сафига юртнинг ватанпарварларини бирлаштиради ва уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини мамлакат манфаатларига сафарбар этиш, ёшларда миллий ўзликни англаш, миллий ғурур, Ватанга садоқат ва муҳаббат туйғусини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, юрт билан фахрланиш, улуғ қадриятларни асраш каби энг улуғ ниятлар партиянинг мақсад ва вазифалари саналади.

Халқимизнинг барча эзгу ниятларини, ҳаётий манфаатларини ифода этадиган **Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, Халқ фаровонлиги** каби тушунчаларни ўзида мужассам этган умуммиллий ғояларни қўллаб-қувватлайди ва бу улуғ ниятларнинг амалга оширилишида фаол қатнашади.

Партия мазкур вазифаларни амалга ошириш учун электоратнинг ислоҳотлардаги фаол иштирокини, олиб борилаётган туб ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятини оммага етказиш борасида қатор амалий ишларни ташкил қилади. Ижтимоий қатламни ташаббускорликка, масъулиятни оширишга қаратилган, ҳокимиятнинг вакиллик ва ижро органларини шакллантиришда сиёсий фаолликка ундайдиган ҳаракат Дастури ва механизмларни ишлаб чиқади ва амалга оширади.

Партиянинг жойлардаги ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий - сиёсий вазифаларни ҳал этишдаги ролини, ҳокимиятнинг маҳаллий вакиллик органларини шакллантиришдаги сиёсий партиялар таъсирининг кучайтирилиши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларини тайинлаш ва тасдиқлашда депутатлар гуруҳининг роли кескин даражада оширилишини таъминлаш ишларини олиб боради.

Мамлакатда қонун устуворлигини таъминлашда фаол қатнашади. Ҳокимият тизимини демократлаштириш, масъулиятини тубдан ошириш, ҳокимият жамият назоратида бўлишини ва шу мақсадда вакиллик органининг назоратини янада кучайтириш йўлидан боради. Айниқса, ҳокимият ва бошқарув органларига юксак маънавиятли, масъулиятли, ватанпарвар, халқнинг тақдири ҳамма нарсадан устувор деб ҳисоблайдиган шахсларнинг бўлиши учун курашади.

Халқ ва жамоат назоратини кучайтириш вакиллик органларининг барча бўғинларидаги депутатлик гуруҳларининг ваколатларидан самарали фойдаланиш орқали давлат бошқаруви фаолиятини яхшиланишига интилади.

Таъмагирлик, коррупция, маҳаллийчилик ва қариндош- уруғчилик, қоғозбозлик, фуқароларнинг мурожаатлари ва эҳтиёжларига нисбатан лоқайдлик каби барча салбий ҳолатларга муросасиз кураш олиб боради.

«Парламент – жамият кўзгуси» деб бекорга айтилмайди. Чунки жамиятдаги интилиш, фикр ва қарашлар парламентдаги муҳокама ва мунозараларда ўз ифодасини топиши лозим. «Миллий тикланиш» демократик партияси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 29 нафар депутатга эга. Ўтган йилларда фракция аъзоларининг иштирокида мамлакат ҳаётида муҳим ўрин тутадиган қонунлар қабул қилинди. Ҳозирги кунда фракция аъзоларининг бевосита иштирокида қатор қонунлар ишлаб чиқилмоқда. Аммо парламентдаги фракциянинг ролини ҳам кескин кучайтириш партиянинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишнинг энг муҳим омилларидан биридир. Қонунчилик палатасининг ҳаракатлантирувчи кучи бўлмиш фракция фаолиятини янги кўламларда ташкил этиш, қонун ижодкорлиги жараёнида фикрлар хилма-хиллиги муҳитини такомиллаштириш партиянинг ташаббускорлик ролини янада юксалтириш имконини беради.

Ота-боболаримиз бизга қолдирган бой ва бетакрор меросни, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаб, уларни замонавий илм-фан ютуқлари билан ижодий бойитиб, келажак авлоднинг тафаккури, дунёқарашини миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида шакллантириб, уларнинг бунёдкорлик фаолиятини ошириш – мустақиллик пойдеворини мустаҳкамлашнинг асосий мезонидир. Ҳеч бир халқ ўзлигини англамасдан, миллий қадриятларни асраб-авайламасдан бошқа халқларнинг қадриятларига ҳурмат-иззат билан қарай олмайди.

Мустақиллик айни пайтда миллий тикланишдир. Миллий тикланишни "миллий қадриятлар", "миллий онг", "миллий ғурур", миллий ифтихор" каби улуғ тушунчаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Партия Дастурида миллий анъаналарни, миллий қадриятларни сақлаш, Ватанимизнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги билан ғурурланиш, фахрланиш ҳис-туйғуларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш каби тушунчаларга алоҳида эътибор қаратилган. Демак, партия ўзининг амалий фаолияти давомида шундай фазилатларга эга бўлган, том маънодаги фидойи ватанпарвар ёш авлоднинг камол топишига алоҳида эътиборини қаратади.

Партия мамлакатнинг изчил ва барқарор иқтисодий ривожланишига эришиши, миллий тикланиш ва иқтисодий юксалиш асосларини янада ривожлантириш, мамлакатнинг жаҳон ҳамжамияти ичида салоҳиятини ошириш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини янада ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини оширишга қаратилган барча иқтисодий тадбирларни қўллаб-қувватлайди ва ягона иқтисодий стратегия сифатида қарайди. Бу борада табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, иқтисодиётни эркинлаштириш, бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, инвестиция муҳитини янада яхшилаш, иқтисодиёт соҳасидаги ҳуқуқбузарликка қарши кураш олиб бориш, қишлоқ инфратузилмасини кучайтириш, мулкчиликнинг турли шаклларини қўллаб-қувватлаш каби масалаларни мамлакат иқтисодий салоҳиятини оширишнинг устувор йўналиши деб ҳисоблайди.

Партиянинг дастурида аҳоли фаровонлиги ва унинг даромадлари ўсишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада партия аҳолини иш биланбанд этиш, иш берувчилар билан ходимлар ўртасидаги иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларга оид қонунларнинг ижросини таъминлаш, кам таъминланган қатламларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, меҳнат миграцияси, таълим-тарбия тизимини янада ривожлантириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, интеллектуал мулк ҳимояси каби ҳаракатларни қўллаб-қувватлайди.

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

Ёшлар билан учрашув

(Давоми.
Боши 1-бетда)

Барча одамлар қонун олдида тенгдирлар ва ҳеч қандай тафовутсиз қонун билан тенг ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгадирлар. Барча одамлар ушбу Декларацияга зид бўлган ҳар қандай камситишдан ва шундай камситишга ундайдиган ҳар қандай уринишлардан тенг ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгадирлар.

«Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» 7-модда

Партия «Ёшлар қаноти» ташаббуси билан учрашувнинг ёшлар даврасида ўтказилиши уларнинг мазкур муҳим ҳужжат мазмун ва моҳиятини чуқур англаши ҳамда ҳуқуқий билимларининг ошиши йўлида асосий омиллардан биридир.

Биз ҳам тадбир аҳамиятини билиш мақсадида бир гуруҳ талабаларга мурожаат қилдик:

Нодирбек Хоналиев, ЎзМУ ҳуқуқшунослик факультети 4-курс талабаси:

— Бугунги учрашувнинг самарасини нима белгилайди деган саволингизга мазкур тадбир биз ёшларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилганлиги, қолаверса нафақат мамлакат, балки умуминсониятга дахлдор ҳуқуқий меъёрлар ҳақида янада кўпроқ маълумотлар берилганини айтишим мумкин. Ёшларнинг, умуман ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида янги кўрсатмаларга эга бўлдик. Олган билим ва кўникмаларимизни қачон ҳаётга тадбиқ этамиз, деган саволга жавоб эса аввало ҳуқуқларимизни билиш, уларни бузмаслик, қонунни бузганларга қарши тура олишимизда деб ўйлайман. Бу семинар ана шу мақсад йўлидаги ишончимни тобора орттирди.

Тенгдошимнинг фикрларига қўшимча тарзда шуни айтишим мумкинки,- дейди **ЎзМУ ҳуқуқшунослик факультети 4-курс талабаси Гулруҳ Бобожонова.** — Бўлғуси юрист сифатида мазкур декларация ва унда белгиланган қоидаларга тез-тез мурожаат қиламан. Ва унда жамики инсоният бугуни ва истиқболини, озод ва бахтиёр яшаш имконини берувчи ҳуқуқлар кафолатланганлигига амин бўламан. Айни пайтда «Болалар ҳуқуқлари» мавзусида илмий изланишлар бошлаганман. Тадбирдан танлаган мавзуимнинг айнан қайси жиҳатларига эътибор қаратишим ва жамиятга қайси йўллар орқали тадбиқ этишим зарурлиги ҳақида тушунчалар олдим. Ўйлайманки, улар келгуси фаолиятимда асқотади.

- Инсон ҳуқуқлари - борлигимиз кафолати бўлган эътиқодлар, одатлар мажмуи бўлиб, ғоят мураккаб ва кўп қирралидир,- дейди талабалар саволларига жавоб бера туриб ЖИДУ кафедра мудири, юридик фанлари номзоди Бобоқул Тошев. - Уни рағбатлантириш, ҳимоя қилиш, бажарилишга шарт-шароит яратиб бериш ҳар бир жамиятнинг бош мавзуси бўлиши керак. Мамлакатимизда инсон қадр-қиммати ва шаъни, манфаатлари ва конституциявий ҳуқуқлари дахлсизлиги таъминланаётганлигини энг катта ютуқлардан бири сифатида эътироф этиш мумкин.

Қизиқарли баҳс-мунозаралар асосида кечган учрашувда Республика юристлар малакасини ошириш маркази профессори Баҳодир Исмоилов, ЎзМТДП МК Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосарлари Арслон Эшмуродов, Шоира Умаровалар ёшларни қизиқтирган саволларга аниқ ва батафсил жавоб бердилар.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ — БОШ ТАЯНЧИМИЗ

Д.ҲАЙИТОВА,
«Milliy tiklanish» мухбири

Кенг имкониятлар иш самарадорлигини оширади

Бу аёлдаги келажакка бўлган ишонч ва интилувчанлик, юзидаги самимиятни кўриб, унга меҳрингиз ошади. Шижоат ва тиришқоқлик, мақсади йўлидаги қатъият эса унинг етакчилик хусусиятларини янада бойитади. Сўз юритаётганимиз Қарши шаҳар **«Сайидо Насафий»** номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази раҳбари, БПТ етакчиси Клара Дўстёрова.

- Марказимиз томонидан олиб борилаётган ишлар, ўтказилаётган ҳар бир тадбир кишиларнинг маънавий дунёқарашини ўстиришга, билимга, ахборотга бўлган эҳтиёжини таъминлашга хизмат қиляпти. Ўз навбатида бошланғич партия ташкилотида ҳам ЎзМТДП шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси, вилоят маънавият - тарғибот маркази билан биргаликда турли мавзудаги учрашувлар, маърифий тадбирлар ташкил этиб келиняпти. Уларда партия ғоялари, мақсадлари тарғибот-ташвиқотига, Низоми ва Дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, янги ўқув йили бошланиши муносабати билан вилоятдаги Саноат, Маданият, Қурилиш касб-ҳунар коллежларида «Истиқлол муборак Ўзбекистоним» мавзусида бир қатор тадбирлар уюштирдик. Ёшларни ташаббусга чорлаш, миллий қадриятларга нисбатан ифтихор туйғусини кучайтириш, кенг оммани китобхонликка жалб этиш ишимизнинг асосий мақсадидир,- дейди БПТ етакчиси.

Албатта, бугунги сиёсий жараёнларга кишиларни жалб этиш, жамият аъзоларининг сиёсий фаоллигини ошириш етакчидан катта маҳорат, билим ва собитқадамликни талаб этади. Бу ўринда қаҳрамонимиз ютуғи нимада?

Айни пайтда вилоятдаги касб-ҳунар таълими тизимидаги 102 та, халқ таълимига тегишли 1044 та мактаблар ахборот - ресурс марказларига услубий жиҳатдан раҳбарлик қиладиган марказда 58 нафар ходим фаолият олиб боради. Уларнинг аксарияти, яъни 30 нафардан ошиғи «Миллий тикланиш» демократик партияси аъзолари. Етакчимиз БПТ аъзоларининг турли семинар ва сиёсий ўқувларда фаол иштирок этишларини ҳамда улар сафида Дилафруз Аъзамова, Барно Тиллаева, Усмон Шаймонов, Малика Раҳимова сингари ташаббускор, изланувчан ёшлар бор эканлигини қувонч билан тилга олади.

ЎзМТДП дастурида миллий ўзликни англаш, миллий ғурур ва шаън туйғуларини халқимиз онгида ўстириш ва мустаҳкамлаш ғоялари илгари сурилар экан, унинг ҳаётга тадбиқ этилиши ва ижтимоий жараёнларда ўз аксини топишига ахборот-кутубхона маркази БПТ аъзолари ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишяпти. Буни улар томонидан мактабгача таълим муассасалари, мактаб, коллеж, олийгоҳ, маҳаллаларда Мустақиллик, тил, Наврўз, конституция байрамларига атаб ўтказилаётган «Ватан маҳалладан бошланади», «Наврўз келди элимга», «Қомусимиз - бахтимиз» каби тадбирлар исботлаб турибди. Масалан шаҳардаги 6,16,36-мактабгача таълим муассасалари билан ҳамкорликда ташкил этилган «Она тилим-жону дилим» тадбирини олайлик. Шу биргина тадбирнинг ўзиёқ болажонларни ота-она ва ватанни севишга ўргатиши, давлат рамзлари, уларнинг маъно-мазмуни, хусусан, ўзбек тилининг барчамиз учун азизлигини, уни ҳар доим асраб-авайлаш кераклиги ҳақида билимлар олишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида партия диққат марказида турган «Биз киммиз?», «Бизнинг аждодларимиз ким?», «Бизнинг миллатимиз нима ҳисобидан юксалди ва бутун жаҳонга машҳур бўлди?» деган саволларга муносиб жавоб бера оладиган авлодни тарбиялаш учун пойдевор вазифасини бажаради.

Марказда китобхонлар учун жуда катта имкониятлар яратилган, «ZiyoNET» ахборот тармоғига уланган, 370 мингдан ортиқ адабиётлар жамғармаси, 60 йиллик матбуот архивига эга кутубхонада фойдаланувчилар учун барча имкониятлар яратилган. Бу ерда партия ҳаёти, унинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларда амалга оширадиган устувор мақсадлари, «Ёшлар қаноти», «Аёллар қаноти» ҳақида маълумотлар учун алоҳида бурчак ташкил этилган бўлиб, бу бевосита партия аъзоларининг кун сайин сони ошиб боришига ҳисса қўшмоқда. БПТдаги самарали ишлардан бири сифатида турли таълим муассасалари ўртасида ўтказилган «Сиз Миллий тикланиш партиясини биласизми?», «Сиз «Камолот» ЁИҲни биласизми?» викториналарини тилга олиш жоиз. Бу каби амалий саъй-ҳаракатлар, аҳолининг сиёсий, ҳуқуқий билимини оширишга қаратилган чора - тадбирлар партия электоратининг наинки ёшлар, шу билан биргаликда аҳолининг турли қатламларидан иборат бўлган миллий қадриятларни эъзозловчи, фидойи, ватанпарвар аъзолар ҳисобига бойиб боришига хизмат қилиши шубҳасиз.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

ҲУҚУҚ

Бебаҳо қадрият

Р.ЗАРИПОВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати

Халқаро ташкилот – Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ) иш бошлаганидан уч йил ўтгач Бош Ассамблея Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини –1948 йил 10 декабрда қабул қилди ва ўша йилдан буён бу кун дунёда Инсон ҳуқуқлари куни сифатида нишонланади. Ушбу ҳужжатда инсон ҳуқуқларига, демократияга оид асосий талаблар баён этилган.

Барча мамлакатлар Декларация қоидаларига суянадилар ва уларнинг баъзи моддаларини ўзларининг асосий қонунлари ёки конституцияларига киритганлар. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси – Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги 2 та халқаро битим ва Факультатив протоколлар билан биргаликда Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро биллни ташкил этади.

БМТ ташаббуси туфайли эришилган инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги бирмунча кенг кўламдаги ҳуқуқий мажбуриятлар юкловчи шартномалар иккита халқаро ҳужжатдан иборат. Биринчиси – иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар, иккинчиси фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги битимлардир. Бу ҳужжатларнинг кейингиси фуқароларга якка тартибда арзнома тақдим қилиш ҳуқуқини белгиловчи ва ўлим жазосини тақиқловчи Факультатив протоколлар билан тўлдирилган. 1966 йилда қабул қилинган ушбу битимлар декларация моддаларига ҳуқуқий мажбуриятлар юкловчи акт даражасига кўтарди. Мазкур нормаларнинг иштирок этувчи давлатлар томонидан бажарилишини назорат қилиш бўйича орган – Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия – таъсис этилди ва бу умумий декларация қонунларининг обрўсини оширди. Жаҳондаги барча давлатлар ушбу Битимнинг иштирокчисига айландилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси халқаро ҳуқуқий ҳужжатга қўшилганлиги ҳақидаги маълумотни 30 сентябрь 1991 йили эълон қилган. Ўтган даврда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир мукаммал институциявий тизим яратилди. Ушбу ҳужжат амалдаги миллий қонунчиликка тўла имплементация қилинди. Ушбу декларация нормалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик, Оила, Меҳнат, Жиноят, Жиноят процессуал кодексларида ва бошқа кўплаб Қонунларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг кўплаб фармон ва қарорлари ва республика ҳукуматининг инсон ҳуқуқларини кафолатловчи қатор қарорлари ҳамда дастурларида ўз аксини топди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллиги самарали фаолият юритяпти. Унга мамлакатимизда ҳурмат-иззатга лойиқ инсон — Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги Сайёра Рашидова етакчилик қилади.

Мамлакатимизда Инсон ҳуқуқлари республика маркази ҳам ушбу йўналишдаги вазифаларнинг бажарилишига муносиб ҳисса қўшиб келяпти. Унга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг раиси, юридик фанлари доктори Акмал Саидов раҳбарлик қилади.

Ушбу институтларнинг фаолият юритаётганлиги Ўзбекистон мустақиллиги шарофати ҳамда ҳуқуқий демократик жамият қураётганимизни, мамлакатимизда инсон манфаатлари олий мезон эканлигини ўзида ифода этувчи рамзлардан бири десак арзийди.

Шунингдек, мамлакатимиз парламенти 1992 йилнинг декабрида БМТнинг "Болалар ҳуқуқлари тўғрисида"ги конвенцияни ратификация қилди. Ўтган йили эса "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам қабул қилинди.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларининг ҳимоясига алоҳида эътибор берилишини Инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллик институти ҳар йили парламент олдида ҳисоб бериши ҳам тасдиқлаб турибди. Мазкур йўналишда олиб борилаётган ишларни халқ вакилларининг назаридан ўтказилади.

Жаҳонда 200 йиллик тажрибага эга бўлган ушбу институт бизда 12 йилдан буён фаолият юритмоқда. Ўтган давр ичида ўз овозига, самарали иш тажрибасига, ўз мавқеига эга бўлди.

Яқинда бўлиб ўтган Парламент Қонунчилик палатасининг ялпи йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи тингланди

Ўтган йилги фаолияти давомида айниқса, Давлат органлари, фуқаролик институтлари, нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорлиги янада яхшиланган, ҳамда ахборот маърифий фаолияти янада кучайтирилган. Ушбу ҳуқуқий институт нафақат паймол этилган инсон ҳуқуқларини тиклашга, балки шу жараён орқали мониторг ўтказиб, қонунчилик жараёнларини такомиллаштиришга ҳам муносиб ҳисса қўшяпти. Шундай бўлиши табиий, чунки, ташкилотга мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан фуқароларнинг мурожаатлари оқиб келади, уларни кузатиб, мониторинг қилиб халқимизнинг юрак уришини аниқлаш мумкин. Институтнинг яхши анъаналаридан бири — ҳар йили фуқаролар мурожаатларининг мониторингини ўтказади. У албатта беиз кетмайди. Шикоят хатлари таҳлили жамиятдаги муаммоларни ечишга кўмаклашади. Зеро, қайси йўналишдан кўп шикоят тушса, шу соҳа ичига кириб боришга интилиш институт тажрибаларидан биридир. Ўтган йили уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятига оид масалалар бўйича хатлар кўпайиши натижаси ушбу соҳада Тошкент шаҳрида уй-жой, коммунал масалаларига оид мониторинг ўтказишга асос бўлди. Ундан олдинги йили фуқароларнинг сиҳат-саломатлиги йўналишида мониторинг олиб борилди. Бу йил аграр соҳадаги иқтисодий муносабатларга оид мурожаатларнинг кўпайганлиги "Фермер хўжалиги тўғрисидаги" Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ фермерлар ҳуқуқларининг таъминланиши мониторингини ўтказиш учун асос бўлди. Ушбу йўл билан халқимизнинг муаммоларини, дарду хаёлларини ўрганишга бўлган интилиш мақтовга лойиқ .

Олий Мажлиснинг икки палатали даврида Сайёр қабуллар уюштириб, ташкилот фаолияти билан таништириш, кузатувчи сифатида минтақавий вакилларнинг суд мажлисларида қатнашиши, фуқаролар билан жойларда учрашувлар уюштириш, пенитенциар (жазо орқали тузатиш) тизим масалалари бўйича ташрифлар уюштириш каби фаолиятнинг янги йўналишлари кириб келди ва улар ҳам самарали давом эттирилган. Фуқароларнинг парламент омбудсманига тушган мурожаатларини таҳлил қилиш инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари паймол этилишига тўсиқ бўлувчи таъсирчан механизмларни кучайтиришга қаратилган ва жойлардаги нуқсонларнинг олдини оладиган тадбирларни кенгайтириш зарурлиги ҳақида тавсиялар ҳам берилади.

Ўтган йилги мурожаатларнинг классификациясига эътибор бердик. Ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларни таъминлашга оид мурожаатлар жами мурожаатларнинг 38,8%ни, эркинлик шахсий дахлсизлик, инсоний муомалада бўлиш, шахсий қадр-қимматни ҳимоя қилишга оид мурожаатлар жами мурожаатларнинг 22,5%ни, судда ишнинг адолат билан кўриб чиқиш ҳуқуқига риоя этилишига оид мурожаатлар жами мурожаатларнинг 21,7%ни ташкил этиши таъкидланган. Ушбу мурожаатлар тегишли ташкилотларга жўнатилгандан кейин муаммоларни ҳал этиш жараёнини ўрганиш ўзи бир мактаб десак арзийди

Умуман ушбу ҳуқуқий институтнинг ўтган ўн икки йилги фаолиятига эътибор берилса, мурожаатлар сони йилдан йилга ортганини кузатиш мумкин. Албатта, бу Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилига халқнинг ишончи ортиб бораётганини, институт халқнинг оғирини енгил қилишга муносиб кўмак бераётганини, энг асосийси мамлакатимизда инсон ҳуқуқларининг ҳимояси кенг йўлга тушганлигини кўрсатади.

КОНСТИТУЦИЯ — АМАЛДА

Олий юридик кучга эга ҳужжат

Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлари доктори, профессор

Мустақилликни мустаҳкамлаш ва фаол демократик янгиланишлар даврида Конституциянинг сиёсий-иқтисодий роли ва аҳамияти ҳамда ҳуқуқий қадр-қиммати беқиёсдир. Конституция миллий ҳуқуқий қадрият сифатида жамият ва давлат ҳаётида ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашнинг муҳим пойдеворидир. Бахтимиз Қомуси, энг аввало, миллий ўзликни англаш, ҳур ва озод Ватанни барпо этишнинг ҳуқуқий асосини яратди. Бунинг маъноси шуки, Конституциямиз илк маротаба "Ўзбекистон – суверен демократик республика" сифатида вужудга келишига асос солди. Мустақил давлатнинг конституциявий асоси яратилиши халқимизнинг хоҳиш-иродасини рўёбга чиқариш, унинг олий манфаатларини ифода этиш имконини берди.

Миллий демократик тараққиёт бардавомлигини таъминлашга қаратилган барча ислоҳотларнинг негизини конституциямиз белгилаб берди. Бу эса инсон, жамият ва давлат фаровонлигини таъминлашда олий юридик кучга эга бўлган ҳужжат вазифасини бажараётганлигида, қолаверса, барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларда яққол намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, "аслида, ҳар қандай ислоҳотнинг энг муҳим самараси аввало халқнинг маънавий-руҳий қарашларидаги янгиланиш жараёнлари, унинг онгу тафаккурининг юксалиши, мамлакатда юз бераётган ўзгаришлар унинг ҳаётига, тақдирига дахлдор бўлганини чуқур ҳис қилиши ва шундан хулоса чиқариши билан белгиланади. Биз амалга ошираётган ислоҳотларимизда ана шундай натижаларга эришиш учун барча ўзгариш ва янгиланишларнинг марказига инсон ва унинг манфаатларини қўйдик. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ана шу жараёнларнинг моҳиятида **ислоҳот-ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши керак,** деган мақсад мужассам эканини ва унинг амалий ифодасини барча соҳаларда кўриш, кузатиш қийин эмас".

Миллий демократик тараққиётга эришишда Конституция нормалари ҳуқуқий тизим барқарорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Конституция нормаларини ижтимоий ҳаётда қарор топтириш Конституция ва қонунларнинг устунлигини таъминлашга ҳам бевосита алоқадордир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар. Конституциявий нормаларнинг аҳамияти жиҳати яна шунда намоён бўладики, унинг нормаси тўғридан-тўғри амал қилади. Яъни, ҳуқуқни қўллаш амалиётида устувор қўлланиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16-моддасига мувофиқ, мазкур Конституциянинг бирорта қоидаси Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас. Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас. Бу норма унинг норматив-ҳуқуқий тизим оиласида етакчи мавқега эгалигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасининг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонунинг 7-моддасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси олий юридик кучга эгалиги ва Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида қўлланилиши ифодасини топган. Шунингдек, унда Ўзбекистон Республикасида қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида ва уни ижро этиш учун қабул қилинади ҳамда унинг нормалари ва принципларига зид келиши мумкин эмаслиги белгиланган.

Конституция ва қонунларнинг устунлиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти тушунчалари бир-бири билан узвий боғлиқ. Яъни, "бир танганинг икки томони" десак муболаға бўлмайди. Чунки, қонун ҳужжатини яратмасдан туриб ҳуқуқни қўллаш фаолиятини тасаввур этиб бўлмайди. Ёки, аксинча ҳуқуқни қўллаш учун қонун ҳужжати мавжуд бўлиши оддий ҳақиқатдир. Ҳуқуқни қўллаш фаолияти қонунни татбиқ этувчи субъектлар ҳужжати асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 84-моддасида қонунларнинг ва бошқа норматив-ҳужжатларнинг матбуотда эълон қилиниши улар қўлланилишининг мажбурий шарти эканлигини инобатга олсак ҳам бу юридик қоиданинг нақадар тўғри эканлигини кўрсатади. Конституция нафақат ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг устувор қонун ҳужжати, балки тизимлаштирилган нормаларни ижро қилишнинг мукаммал қомусий асоси ҳамдир. Ўз навбатида, ҳуқуқни қўлловчи субъектлар томонидан конституциявий нормаларнинг ижроси таъминланиши жамиятда қонун устуворлигини таъминлашнинг асосий шартидир.

Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида конституциявий нормаларнинг олий юридик кучга эга бўлган манба сифатида амалиётда қўлланилаётганлиги жамиятда қонунийликни таъминлашнинг муҳим омили эканлигидан далолат бермоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси миллий тараққиёт йўлимизни белгиловчи халқчил Қомус сифатида халқ ҳокимиятчилигининг негизларини белгилаб берди. Айниқса, унда давлат ҳокимиятининг тизими белгиланганлиги нафақат халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган норма ва қоидаларига мос келибгина қолмай, балки ўзбек давлатчилиги ривожининг анъаналарига ҳамда миллий ҳуқуқий қадриятларимизга айнан мос келади, десак муболаға бўлмайди.

Энг муҳими, сиёсий ва иқтисодий соҳадаги ислоҳотлар ҳам демократик умуминсоний принципларга асосланганлиги боис жамият ва давлат ҳаётида фуқаролар ижтимоий фаоллигини оширишга ёрдам бермоқда. Бошқача қилиб айтганда, инсон манфаатлари улуғланаётган Ватанимизда давлат ва жамият ишларини бошқаришда сиёсий ва иқтисодий фаоллик кўрсатишнинг конституциявий кафолатлари яратилганлиги ҳал қилувчи ўрин тутмоқда.

Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият сифатида Конституцияда кафолатланганлиги сабабли фуқароларнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликларини амалда рўёбга чиқаришга зарур шарт-шароитларни яратди. Эътиборли жиҳати шундаки, Конституциямиз нафақат демократик ҳуқуқ ва эркинликларни мустаҳкамлаш ва амалга ошириш, балки уни ҳимоя қилишни ҳам кафолатлайди.

Ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳадаги ислоҳотларнинг пировард мақсади инсон ва жамият фаровонлигини оширишдир. Конституция ижтимоий ҳаётда адолат ва қонунийлик принципларининг тантанасини таъминлашда устувор қонун ҳужжати вазифасини бажармоқда.

Конституциямиз иқтисодий соҳада ҳам катта имкониятларни қўлга киритишнинг ҳуқуқий асосини яратди. Бу энг аввало, жамият иқтисодий негизларининг конституциявий кафолатлари билан чамбарчас боғлиқ. Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган иқтисодиётнинг негизини хилма-хил шаклдаги мулк ташкил этиши назарда тутилганлиги, тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари яратилганлиги мулкдор бўлиш ҳуқуқини амалга оширишга ҳар томонлама шароит ва қулайликлар туғдирди. Айниқса, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баробар муҳофаза этилиши кафолатланганлиги жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтиришнинг муҳим омили сифатида намоён бўлмоқда. Бинобарин, хусусий мулкнинг бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимояси таъминланганлиги фуқароларнинг иқтисодий ҳуқуқларини амалга оширишнинг кафолатини яратмоқда.

Бугунги кунда тадбиркорлар, кичик бизнес субъектлари ва фермерлар каби мулкдорлар синфи давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганлиги конституциявий кафолатларнинг амалда рўёбга чиқаётганлигининг исботидир. Мулкдор бўлиш ҳуқуқининг конституциявий кафолатлари фуқароларни иқтисодий фаолликка ундамоқда.

Кези келганда шуни айтиш керакки, фуқаролар иқтисодий фаоллигининг ошиши энг аввало, улар фаровонлигини таъминлашнинг, қолаверса, жамият ва давлат тараққиёти бардавомлигининг муҳим гарови ҳисобланади. Айниқса, тадбиркорлик субъектларига берилаётган тегишли имтиёз ва енгилликлар ҳам улар даромадларини оширишга ва молиявий аҳволининг яхшиланишига замин яратмоқда. Бинобарин, ҳар бир шахснинг ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий фаол бўлиши ҳамда уларнинг юксак маънавиятга эга бўлиши, Конституция берган имконият ва кафолатлардан оқилона фойдалана олиши, ўз қобилиятларини Ватан ва жамият равнақи йўлида намоён этиши мустақил тараққиёт бардавомлигини таъминлашга ёрдам беради.

Мамлакат раҳбари Ислом Каримов таъбири билан айтганда: "ҳар қайси жамиятнинг демократик нуқтаи назардан янгиланиши ва юксалиши шу жамиятнинг, шу давлатнинг тараққиёти маҳсули эканлигини ҳаммамиз чуқур англаб олишимиз зарур".

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, демократик қадриятларни ва ижтимоий адолатни қарор топтиришда, фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришини ҳамда тинчлик ва миллий тотувликни таъминлашда муҳим олий юридик кучга эга бўлган ҳужжат вазифасини бажараётганлигига тўлиқ асослар мавжуд.

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИГА САЙЛОВ ОЛДИДАН

Тараддуд авжида

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2008 йил 30 сентябрдаги қарорига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикасида ҳам фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Жойларда қишлоқ, овул ва маҳалла фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул бўлган ишчи гуруҳлари ишламоқда.

Нукус шаҳридаги "Май овул" маҳалла фуқаролар йиғинида саккиз ярим мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Бу ерда тузилган ишчи гуруҳи аъзолари аҳоли ўртасида сайловнинг аҳамияти, фуқаролик жамияти барпо этишда маҳаллаларнинг ўрни, маҳалла оқсоқоли ва унинг маслаҳатчиларига қўйиладиган талаб ва вазифалар ҳақида тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб бормоқда.

ИҚТИСОДИЁТ

ТАРАҚҚИЁТ

Иқтисодий мустақиллигимиз негизи

Эркин ЮСУПОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Миллий тикланиш кўп қамровли ва амалда жуда кенг ва чуқур маънога эга тушунча. Президентимиз таъбири билан айтганда мазкур ибора дунё ҳамжамиятида том маънодаги ўз ўрнига эга бўлган миллий давлатчиликка тегишли бўлган барча белгиларни шакллантириш ҳамда "миллий манфаат" ва "халқ манфаати" тамойилларининг ижросини амалда таъминлаш орқали мамлакатимизни ҳар томонлама ривожланган ва дунёдаги илғор давлатлар қаторига қўшишга қаратилган чора-тадбирлар йиғиндисида ўз аксини топади.

Шу нуқтаи назардан миллий тикланишнинг асосий белгиларидан бири бу сиёсий мустақилликнинг негизи бўлган мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида эътироф этиб ўтилдики, ўтган йили иқтисодиётда барқарор суръатлар билан ўсиш ва макроиқтисодий мутаносибликнинг таъминланганлиги, ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш ва модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш ишлари давом эттирилганлиги натижасида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари прогноз параметрларига нисбатан анча юқори бўлиб, илк бор 9,5 фоизни ташкил этди. Ишлаб чиқариш ҳажми саноатда 12,1 фоизга, қишлоқ хўжалигида 6,1 фоизга ошишига эришилди.

Иқтисодиётдаги, шу жумладан аграр тармоқдаги таркибий ўзгартиришлар биринчи навбатда, ишлаб чиқаришни хомашё йўналишидан тайёр маҳсулотлар кўринишига ўтказилишига қаратилган чора-тадбирлар экспорт таркибида тайёр маҳсулот ҳажмини катта суръатлар билан ортиб боришини таъминлаб, бугунги кунда бу салмоқ 38 фоиздан ортганлиги маърузада кўрсатиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбарининг «Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони халқимизнинг озиқ-овқат маҳсулотларига талабини янада тўлиқроқ қондириш, пировард натижада қишлоқ аҳолисини даромадлари ва турмуш даражасини юксалтиришни кўзда тутади.

Дастлаб, дунё озиқ-овқат бозорининг негизини ташкил қилувчи ғалла бозори тўғрисида қисқача тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Халқаро ташкилотлар томонидан тарқатилган статистик маълумотларга кўра дунё бўйича бир йиллик ғалла ишлаб чиқариш ҳажми 2,0 миллиард тонна атрофида бўлиб, шундан 600-650 миллион тоннасини буғдой ва 750-800 млн. тоннасини маккажўхори ташкил қилади. Кейинги беш йиллик кузатиш натижаларидан йил бошига маҳсулотлар қолдиқ заҳираларини камайиб боришининг гувоҳи бўлиш мумкин. Яъни, 2003-2004 йиллар мавсумининг бошида ғалланинг қолдиқ заҳиралар миқдори 440,0 млн. тонна, 2007-2008 йиллар 330,0 млн. тоннагача ёки учдан бир қисмга қисқарган. Худди шунингдек, ушбу даврда буғдойнинг қолдиқ заҳиралари миқдори 166,3 млн. тоннадан 124,9 млн. тоннагача ёки мос равишда учдан бир қисмга қисқарган. Халқаро экспертларнинг тахминий ҳисоб-китобларига кўра 2007-2008 йиллар мавсумининг охирига келиб буғдойнинг қолдиқ заҳиралари миқдори 114,8 млн. тоннагача қисқариши башорат қилинмоқда. Ғалла, шу жумладан буғдой қолдиқ заҳираларининг бундай камайиб боришини, ишлаб чиқаришга нисбатан истеъмолнинг тез суръатлар билан ўсаётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Яъни, мазкур давр мобайнида буғдойнинг ишлаб чиқариш ҳажми 38,0 млн. тоннага ошгани ҳолда жами истеъмол ҳажми 45,0 млн. тоннага, шу жумладан озуқа сифатидаги истеъмол миқдори 30,0 млн. тоннага кўпайган.

Ғалла бозорида вужудга келган номутаносиблик ва энергия ресурслари баҳосининг кескин кўтарилиб кетиши ғалланинг ва биринчи навбатда, буғдойнинг харид нархларини кескин кўтарилиб кетишига олиб келди.

Агар мустақилликнинг дастлабки йилида Ўзбекистон бўйича буғдой билан банд майдонлар 487,2 минг гектарни ташкил қилган бўлса, ўртача бир гектардан 12,6 центнердан ҳосил олиниб, ишлаб чиқарилган ялпи ҳосил 609,5 минг тоннани ташкил қилгани ҳолда, 2007 йилга келиб ғалла экилган майдонлар 1428,4 минг гектаргача ёки 2,9 мартага ортган, ялпи ҳосил 6320,9 минг тоннани ташкил қилган ва мос равишда 10,4 мартага кўпайган.

Бугунги кунда ҳақиқатда ҳам дунё озиқ-овқат бозорида юзага келган муаммовий вазият яна бир карра Президентимиз раҳбарлигида амалиётга жорий қилинган ва мамлакат иқтисодий мустақиллигини таъминлашда ўзининг аниқ ва яққол ижобий натижаларини кўрсатаётган ғалла мустақиллиги сиёсатининг нақадар тўғри эканлигини кўрсатиб турибди. Ушбу сиёсатнинг асосий йўналишлари эса қуйидагилардан иборат: экин майдонларидаги таркибий ўзгаришлар натижасида ғалла экинлари билан банд майдонлар салмоғининг ортиши; ҳудуд шароитларига мос уруғларнинг экилиши ва маҳаллий шароитларга мос буғдой навларининг яратилиши ҳамда ғалла етиштириш бўйича деҳқончилик маданиятининг шаклланиши орқали ҳосилдорликнинг ўсиши; тармоқдаги мулкий ислоҳотлар натижасида бозор иқтисодиётига мос мулкчиликка асосланган хўжалик юритувчи субъектларнинг вужудга келиши; тайёрлов тизимини бозор талабларига мосланиши ва бозор конюктурасидан келиб чиқиб баҳо белгилаш тизимига ўтилиши; қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган солиқ тизимини такомиллаштирилиши; ишлаб чиқарувчиларнинг ишлаб чиқариш натижаларидан манфаатдорлигини амалда таъминланиши ва бошқалар.

(Давоми бор)

ТАДБИРКОРЛИК

Шерзод ҚУРБОНОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Мамлакатимизда аҳолини иш билан таъминлаш янги иш ўринлари яратиш, касаначиликни ривожлантириш каби масалаларда хусусий ишлаб чиқариш ва савдо корхоналарининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Масалан, Косон туманидаги «Али-бобо» хусусий корхонаси жорий йилда 27 нафар ёш йигит-қизларни доимий иш билан таъминлади. Корхона айни пайтда 10 дан ортиқ сут ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқараяпти.

Маҳсулот тури кўпайди ёшлар эса иш билан таъминланади

— Корхонамизда қисқа муддат ичида қолипли нон, турли хил макарон ва уч хилдаги музқаймоқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик дейди, -корхона иш юритувчиси Саноқул Ҳамидов. — Ишлаб чиқаришнинг энг эътиборли жиҳати — бу маҳсулотнинг нечоғлик даражада сифатли бўлишидадир. Маҳсулотларда гарчи сифат бирламчи омил бўлар экан, у ҳамма вақт ўз харидорини топади.

Корхона бир ой давомида 17 та маҳаллага 5 тонна ундан макарон маҳсулотлари, 37 тонна ундан қолипли нон тайёрлаб беради. Маҳсулотларни жойларга етказиб беришда «Эвико» ва «Лабо» русумли автомашиналардан фойдаланилади. Тайёрлов цехлари замонавий техник асбоб-ускуналари билан жиҳозланган.

— Корхонани оёққа турғазиш мақсадида ўтган 2007 йилда «Пахта» банкдан 10 млн. сўм кредит олган эдик. Натижа эса ёмон бўлмаяпти. Маҳсулотлар тури ва сонини ошириш, иш фаолияти доирасини янада кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда хориждан замонавий асбоб-ускуналар олиб келиб ўрнатишни режалаштириб турибмиз дейди — корхона ҳисобчиси Ғайбулла Қосимов.

БАНК ВА МИЖОЗ

Банк – тадбиркорга мададкор

Т.БЕКНАЗАРОВ,
ЎзА мухбири

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Жиззах вилоят бўлими кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришга, қишлоққа саноатни, замонавий техника ва технологияларни олиб киришга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Шу йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида банкнинг вилоят бўлими томонидан умумий қиймати 4 миллион 276 минг АҚШ долларига тенг бўлган етти лойиҳа молиялаштирилди.

Вилоятнинг олис ва чекка қишлоқларида ҳам Миллий банкнинг молиявий кўмагидан фойдаланиб, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантираётган мижозлар сафи кенгайиб бораётир. Банк томонидан иссиқхоналар қуриш учун 487 миллион, паррандачиликни ривожлантириш учун 38 миллион сўмлик кредит ажратилди.

– 15 миллион сўм кредит олиб, иссиқхона қурдик, – дейди Бахмал тумани Гулбулоқ қишлоғидаги «Омад» фермер хўжалиги раҳбари Ҳайит Қўчқоров. – Банк қишлоқ тадбиркорларини молиявий қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли дастурхони тўкинлигига ҳисса қўшаётир.

Миллий банк вилоят бўлимининг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш йўналишида мижозларга кўрсатаётган хизмат кўлами кенгайиб бораётир. Йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида хориждан қишлоқ хўжалик техникалари сотиб олиш учун бир миллиард 154 миллион, мини технологиялар харид қилишга 511,9 миллион сўм маблағ йўналтирилди.

Вилоят ҳокимлигида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришда Миллий банкнинг кўмаги» мавзусида бўлиб ўтган семинарда ана шу масалалар хусусида сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқаруви раиси С.Раҳимов жойларда кичик бизнес субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш учун мавжуд кредит ресурслари ва улардан фойдаланиш имкониятлари хусусида сўзлади.

ТАЖРИБА

Қурбон ТЎХТАЕВ

Агрофирманинг дадил одимлари

унда жорий йилда касаначилик йўналиши бўйича 68 та янги иш ўрни ташкил этилди

Ярим асрлик тарихга эга бўлган Навоий тоғ-кон металлургия комбинати вилоятимизда салмоқли ўрин тутиб қолмасдан, балки мамлакатимиз олтин заҳирасини таъминлаётган, иқтисодиётини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётган корхоналардан бири ҳисобланади. Мамлакатимиз фахри бўлган бу корхона олтиндан ташқари ўнлаб маҳсулотлар етказиб бериш билан ҳам шуҳрат қозонмоқда.

Комбинатнинг «Дўстлик» агрофирмаси 1966 йилда ташкил этилган эди. Ўтмишда қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куяди деб таърифланган Маликчўлдаги қир-адирлар, жарликлар текисланиб, агрофирманинг дастлабки экин майдонларига айлантирилди. Дастлаб бу ерда иш бошлаган заҳматкаш инсонлар агротехника илмини фидойи меҳнатлари билан уйғунлаштиришди. Энг аввало, комбинат корхоналарини шунингдек, Навоий шаҳри аҳолисини чорвачилик, мева-сабзавот, полиз экинлари маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида улуғ ишларга қўл уришди. 37 нафар ходим билан иш бошлаган агрофирмада бугунги кунда 535 киши меҳнат қилаяпти. Шунингдек, мавсумий ишларга қарийб 80-100 нафар киши жалб этилмоқда. Агрофирманинг экин майдонлари 1191 гектарни ташкил этади. Шундан 400 гектар ерда ғалла, 100 гектар ерда дон учун маккажўхори, 230 гектар ерда эса узум, мева, сабзавот етиштирилади. Бедапоялар 300 гектардан ошади. Агрофирмада асосан уч йўналишда иш олиб борилмоқда. Биринчидан, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш бўлса, иккинчидан қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олинишига асосий эътибор қаратилаяпти. Шунингдек, маҳсулотлар қайта ишланмоқда. Ҳозирги кунда чорвачилик комплексида 450 бош қорамол парвариш қилинаяпти. Чорвачиликдаги ишлар энг илғор тажрибалар асосида йўлга қўйилган. Чорвачиликни ривожлантиришда наслчилик ишларини тўғри йўлга қўйиш, сермаҳсул моллар подасини яратиш кутилган натижаларни бермоқда. Мавжуд қорамолларнинг 230 бошини соғин сигирлар ташкил этади. Улардан ҳар куни 2,5-3 тоннагача сут соғиб олиняпти. Тажрибали чорвадор Омон Эрқулов наслчилик ишларини намунали йўлга қўймоқда. Шу йилнинг ўзида сигирлардан 200 тага яқин наслли бузоқлар олинди. Республика «Наслхизмат» бирлашмаси билан ҳамкорликда иш олиб борилиши сермаҳсул молларни кўпайтиришда, самарадорликни янада оширишда ижобий натижа бераяпти. Бу борада айни пайтда қилинаётган ишларга келсак яқин кунда Украина давлатидан яна 200 бош наслли қорамоллар олиб келинади. Келгуси йилда жами қорамоллар бош сонини 800 тага етказиш мўлжалланаяпти. Бунинг учун қўшимча комплекс бинолар қуриш бўйича ишлар олиб борилаётир. Чорва молларига зооветеринария хизмати кўрсатиш талаб даражасида йўлга қўйилаяпти. Агрофирманинг сутни қайта ишлаш цехида ўн хилдаги сут ва сут маҳсулотлари тайёрланмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида 700 тоннага яқин ана шундай маҳсулотлар тайёрланиб, комбинат корхоналарига, шаҳар аҳолисига жўнатилди.

—Цехимизда маҳсулотни юқори сифатли бўлишига асосий эътиборни қаратмоқдамиз. Энг илғор тажрибаларни амалда қўллашга интилмоқдамиз, - дейди сутни қайташ ишлаш цехи бошлиғи Жўрабек Норматов. — Бу цехимиз асосан Украина қурилмалари ёрдамида фаолият кўрсатиб, 10 хилдаги сут ва сут маҳсулотлари тайёрланмоқда. Яъни бир, ярим литрлик қадоқланган ва 3,2 фоизлик маҳслуотни шаҳар аҳолиси ва комбинат корхоналарига жўнатамиз. Бир литрлик, 250 граммлик идишларда қатиқлар, 5,9 фоизлик творог маҳсулотлари ҳам ишлаб чиқарилаяпти. Қаймоқ 50 фоизлик, сметана 20 фоизлик, бир литрлик, ярим литрлик, 250 граммлик қадоқланган ҳолда истеъмолчиларга етказиб берилаяпти. Яқиндан бошлаб голланд пишлоғини ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйдик. Бу маҳсулотлар асосан комбинат ишлаб чиқариш корхоналарига, шифохона ва болалар боғчаларига жўнатилаяпти. Ортиқча маҳсулотларимизни шаҳардаги хусусий дўконлар сотиб олмоқда. 5 тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга корхонамизда келгусида имкониятларимиздан фойдаланиб, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтирмоқчимиз.

Бу ерда иш сменали йўлга қўйилган. Ишчи-операторлардан Олим Бобомуродов, Сайёра Собирова, технологлар Анвар Жабборов, Назира Бўронова, Инобат Каримовалар маҳсулотни юқори сифатли бўлишини таъминлашда алоҳида жонкуярлик кўрсатишаяпти.

Чорва молларидан юқори маҳсулот олишда энг аввало мустаҳкам озуқа базасини яратишга, чорва молларини белгиланган рацион асосида парваришлашга эътибор қаратилаётганлиги самарали бўлаётир. Ҳар йили 3 минг тонна силос ва сенаж, 800 тонна омухта ем тайёрланаяпти. Қарийб 6 минг тонна беда заҳираси яратилаяпти. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, комплексдаги озуқа тайёрлаш цехининг қишин-ёзин бир маромда узлуксиз ишлатилаётганлиги маҳсулот олишни тобора кўпайтириш имконини бераётир. Сермаҳсул сигирлардан ҳар куни 30-40 литргача сут соғиб олишга эришилаяпти. Агрофирмадаги «Қизил чўл» зоти билан бир қаторда «Қизил оқ голланд» зотли моллари кўпайтирилмоқда.

— Агрофирмамиз асосан 4 та катта цехдан иборат,— деб ҳикоя қилади унинг директори Расул Ҳусенов. — Дала деҳқончилигимиз, чорвачилик комплексимиз, мева-сабзавотларни, ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш цехимиз мавжуд. Дала деҳқончилигимиз асосан чорвачилигимизни тўлиқ емозуқа билан таъминлайди ва комбинат ишчи-ходимларига соф, тоза сут, шарбат маҳсулотлари, мева-сабзавотлари етказиб беради. Шунингдек, маҳсулотларни қайта ишлаш цехларимизни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлайди. Чорвачилик соҳамиз асосан 3 та бўлимдан иборат. Бу қорамолчилик, чўчқачилик, қўйчилик ва асаларичиликни ташкил этади. Чорвачилик бўлимимиз асосан сутчиликка мўлжалланган. Қайта ишлаш цехимизга ҳар куни 2,5 тонна сут етказиб берилади.

Корхонанинг мева-сабзавотларни қайта ишлаш цехида йилига 800 тоннагача маҳсулот қайта ишланади. 400 тоннагача тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Бу маҳсулотлар асосан шарбатлар, мураббо-лардан иборат. Агрофирма йилига 900 миллион сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бермоқда. Жумладан, чорвачилик бўйича 600 миллион сўмлик, мева ва сабзавотларни қайта ишлаш бўйича 300 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланмоқда. Ўтган йили ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 1,5 миллиард сўмни ташкил этган эди. Жорий йилда бу кўрсаткични 2,5 миллиард сўмга етказиш кўзда тутилаяпти.

— Агрофирмамизда ҳар йили 70-80 нафар киши мавсумий ишларга қабул қилиниб, ойлик маошлари ўз вақтида берилаяпти. Ишчи-ходимларимизнинг дам олишлари учун ҳамма шароитлар яратилган. Уларнинг соғлигини мустаҳкамлаш мақсадида комбинатга қарашли «Металлург» профилактикасида ҳар йили 55-60 кишига йўлланмалар берилмоқда, шунингдек, республикамизнинг бошқа сиҳатгоҳларига ҳам 10-15 киши йўлланмалар билан жўнатилмоқда. Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилади. Агрофирма асосан «Дўстлик» маҳалласида жойлашган. Маҳалла билан ҳамкорликда иш олиб борилаяпти. Қўрғоннинг ободончилиги, ишчи-хизматчиларнинг соғлиги, ёлғиз нафақахўрларга ёрдам кўрсатиш, кам таъминланганларни моддий қўллаб-қувватлаш доимий эътиборда. «Ёшлар йили» Давлат дастури бўйича бажариладиган ишлар аниқ белгилаб олиниб, изчил амалга оширилмоқда. Шу йилнинг ўзида 3 та ёш оилага комбинат томонидан бир миллион сўмдан моддий ёрдам кўрсатилди. 17 та оилага бепул сигир берилди. Ёш оилалардан 30 тасига ер участкалари ажратилди. Ободонлаштириш, хонадонларни табиий газ ва электр энергияси билан таъминлаш ишлари ҳам йўлга қўйилмоқда.

Агрофирмада касаначилик йўналиши бўйича 68 та янги ишчи ўрни ташкил этилди.

Шунингдек, шу йилнинг ўзида 24 гектар ерда янги ўриқзор барпо қилинди. 500 тонна мева ва сабзавот маҳсулотларини сақлаш омбори жадаллик билан қурилаяпти. 200 бош қорамолга мўлжалланган янги чорва комплекси биноси ҳам ишга туширилиш арафасида. Хуллас, амалга оширилаётган ишларнинг кўлами кенг. Зеро, Навоий тоғ-кон металлургия комбинатининг 50 йиллигига муносиб туҳфа яратаётган агрофирманинг одимлари дадил бўлаяпти.

МАЪНАВИЯТ ВА ЁШЛАР

ТАЪЛИМ

Сайёра ҲАЙИТБОЙ қизи,
«Milliy tiklanish» мухбири

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинганига ҳам ўн йилдан ошди. Тўғри, бу тарих учун жуда қисқа давр. Лекин, мана шу қисқа вақт ичида таълим соҳасида салмоқли ишлар қилинди ва қилинмоқда. Шуни фахр билан айтиш мумкинки, бугун юртимиз ўғил-қизлари билим ва иқтидори билан дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги ёшлардан қолишмаслигини исботлаяпти. Келажак авлодга яратилаётган кенг имкониятлар туфайли бугун минглаб ўқувчи ва талаба ёшлар дунёнинг турли давлатларида таҳсил олмоқдалар.

Мактабда олинган билим

келажакка қўйилган пойдевордир

Айтиш жоизки, бунда, албатта, соҳа фидойилари — ўқитувчилар хизмати беқиёсдир.

Илғорлиги, пешқадамлиги боис 5-сонли умумий ўрта таълим мактаби Урганч шаҳридаги таълим масканлари орасида ўзининг алоҳида ўрнига эга. Мазкур билим даргоҳи мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури асосида жаҳон стандартларига мос тарзда қайта таъмирланди, қўшимча 210 ўринга мўлжалланган янги бино қурилиб, ишга туширилди. Бугунги кунда бу даргоҳда 1470 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Айни дамда, уларга 87 нафар малакали педагог сабоқ бермоқда.

Мактабнинг ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари «Халқ таълими аълочиси» Ў.Тўраева, ўқитувчилардан З.Ёқубова, Л.Матчонова, Г.Худойберганова, К.Раҳимова, З.Сотлиқовалар ёш авлодни тарбиялашда бор куч-ғайратини сарфламоқда. Шунингдек, ўтган 2007-2008 ўқув йилларида «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчи»си шаҳар, вилоят республика танловларида қатнашиб, ғолибликни қўлга киритган, изланувчан, ижодкор устозлар У.Собирова, А.Атажонова, Г.Атамуротова фаолиятини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўқитувчи меҳнати ўқувчи ютуғида акс этади. Аълочи ўқувчилардан «Янги авлод» фестивали қатнашчиси, грант соҳиби Р.Искандарова, Зулфия Давлат мукофоти совриндори Г.Умирова, «Ёшлар камоли — юрт истиқболи» республика кўрик танлови ғолиби Г.Ўзбекова мактабнинг фахрига айланишган. Муваффақиятли якунланган ўтган ўқув йилида мактабнинг 9-синф ўқувчилари республика телевидениеси орқали намойиш этиладиган «Ўйла, изла, топ» интеллектуал теле ўйиннинг учта босқичида иштирок этиб, олий ўринни эгаллагани ушбу зиё масканида таълим-тарбия ишларининг юксак даражада йўлга қўйилганидан далолатдир.

— 30 га яқин шаҳар мактаблари ичида рейтинг жиҳатидан 3-ўринда экансизлар. Бунга эришиш осон бўлмаётгандир,— сўраймиз мактаб директори, «Халқ таълими аълочиси» Нодира Вапаевадан.

—Энг аввало, ҳар бир соҳа инсондан фидойилик талаб этади. Жамоамизда ана шундай инсонларнинг борлиги мактабимизнинг ютуғи. Муваффақиятга эришишнинг бош омили киши ўз ишини севишида, деб биламан. Инсон ҳаётида мактаб жуда катта роль ўйнайди. Пойдевори пишиқ бинонинг умри узун бўлади. Мактабда олинган билим ҳам аслида пойдеворга ўхшайди. Яхши ўқиган ўқувчи кейинчалик мустақил ҳаётда ҳам қийналмайди. Мамлакат раҳбарининг биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам, деган гаплари бизнинг шиоримизга айланган. Ана шунга яраша яшаш ва ишлаш бугун ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Яна бир жиҳат мактабнинг собиқ ўқувчилари — Ўзбекистон Қаҳрамони Э. Каримов, драматург, шоир К.Аваз, шоира С.Самандарова, Урганч шаҳар ҳокимияти мактаблари бўлими раҳбари М.Абдалниёзов ва бошқа собиқ ўқувчилар билан мактаб ҳамиша фахрланади. Бу рўйхатни жуда узоқ давом эттириш ҳам мумкин эди. Ниятимиз бундан кейин ҳам бу даргоҳда эл-юрт корига ярайдиган комил инсонлар етишиб чиқаверсин.

ЗИЁ МАСКАНЛАРИДА

Кутубхона бойитилмоқда

ёхуд Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фаолиятига бир назар

Тўмарис АЪЗАМ,
“Milliy tiklanish” мухбири

Кутубхона инсон руҳий ва ақлий дунёсини бойитишнинг ноёб воситаларидан биридир. Шу боис кишилик тарихи давомида унга жиддий эътибор қаратиб келинган. Мамлакатимизда, айниқса мустақиллик даврида миллий бойлигимиз ҳисобланган кутубхоналарга муносабат кескин ўзгарди: қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Жумладан Алишер Навоий номидаги кутубхона Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 20 февралдаги “Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 12 апрелдаги “Ўзбекистон Миллий кутубхонасини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Миллий кутубхонаси мақомини олди.

- Кутубхона ҳамиша анъаналарга содиқ қолган ҳолда буюк аждодлар қолдирган бебаҳо меросни асраб-авайлаб ва бойитиб Ўзбекистоннинг келажаги учун хизмат қилиб келмоқда – дейди Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонанинг кутубхона ишлари бўйича директор ўринбосари Абдураҳим Ҳакимов. - Бу ерда миллий ҳужжатларнинг мукаммал тўплами, шунингдек, жаҳон илм-фани ютуқларини ўзида акс эттирган, юртимизнинг миллий манфаатларига тааллуқли материалларнинг универсал фонди жамланган бўлиб, кутубхона уларни халқимиз фойдаланиши учун йиғиш, сақлаш ва тақдим этишдек асосий вазифани бажармоқда. Ҳозирда кутубхонанинг умумий фонди жаҳон халқларининг 75 тилидаги 10 миллион нусха ҳужжатдан иборат. Унинг 3,5 миллиондан ортиқ нусхаси Ўзбекистон Республикаси Миллий китоб палатасида сақланаётган миллий матбуот коллекциясидир, 2 миллионга яқин нусхаси техник адабиётлар ва илмий-техника ахборотлар мажмуасидир. Ҳар йили кутубхонамизга турли манбаалардан ўртача 25 минг нусха нашр маҳсулоти олинади. Кутубхона 1956 йилдан бошлаб Халқаро китоб айирбошлаш тизими билан шуғулланади. Жаҳоннинг 24 мамлакатидаги 30дан ортиқ ташкилот билан ҳамкорлик қилади. Китобхонларнинг йиллик ўртача қатнови 550 минг нафар кишини, китоб берилиши 1 миллион 720 мингни ташкил этади, маслаҳат ва турли библиографик маълумот берилиши 45 мингдан ошади. Кутубхонага ташриф буюраётган китобхонларни кўриб кўнглимиз кўтарилади. Қанчадан-қанча инсонларга нафимиз тегаётганидан мамнун бўламиз.

Кутубхонамизда турли бўлимлар мавжуд. Шулардан бири “Ноёб ва нодир нашрлар фонди” бўлимидир. У кутубхона коллекциясининг фахри бўлиб, 250 мингдан ортиқ нашрни ўзида жамлаган. Кутубхонанинг нодир нашрлар коллекциясида сақланаётган XIX аср ва XX асрнинг биринчи чорагида Туркистонда чоп этилган дастлабки тошбосма китоблар, вақтли матбуот нашрлари, қўлёзма китоблар, Қуръони Каримга оид диний-маърифий нашрлар кутубхонага ташриф буюрувчиларнинг барчасида қизиқиш уйғотади. “Асосий фондларни сақлаш бўлими” кутубхонадаги энг йирик бўлимларимиздан бири. Унда 6 миллиондан ортиқ нусхадаги китоб ва рисолалар жамланган, XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб чоп этилган китобларнинг мукаммал нусхалари тўпланган. Хорижий тиллардаги адабиётлар фонди 350 минг нусхадан ошади. Форс, араб, ҳинд, турк тилларидаги адабиётлар бу коллекцияда алоҳида ўринга эга. Кутубхонамизнинг нота нашрлари ва грамёзувлар фонди 60 мингдан ортиқ нусхада мусиқа-нота нашрлари, ўзбек мумтоз ва жаҳон мусиқасининг 12 мингдан зиёд грамёзувларидан иборат. Фондда ўзбек халқ мусиқаси ҳамда XIX асрдан бошлаб жаҳон мусиқаси санъатида пайдо бўлган энг муҳим асарлар ҳам ўз аксини топган. Бундан ташқари кутубхонамизда фондларни депозитар сақлаш фонди, маълумот-библиография нашрлари фонди, диссертация фонди,. илмий-техник ҳужжатлар ва саноат каталоглари фонди,илмий ва маркетинг тадқиқотлари, кутубхонанинг илмий-услубий, маданият ва санъат бўйича ахборот, ёшлар ахборот-ресурс маркази, автоматлаштириш ва янги ахборот технологиялари каби бўлимлари мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ кутубхона негизида ахборот-ресурс ва ахборот-кутубхона марказлари ташкил этилди. Ахборот-кутубхона марказларининг асосий мақсад ва вазифалари юқори сифатли кутубхона-ахборотни таъминлаш ҳисобига аҳолининг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш, билимлар ва ахборотдан эркин фойдаланиш, аҳолига ахборот-кутубхона хизматти кўрсатишни сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш, унинг илмий, таълим, ахборот ва маданият соҳасидаги қизиқишларини замонавий ахборот технологиялари асосида тезкорлик билан қондириш, жойларда ахборотлаштириш ва кутубхоначилик иши соҳасидаги ахборот-ресурс марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ташкилий-методик жиҳатдан таъминлашдан иборат.

Мазкур Қарорнинг ижроси бўйича кутубхнада қилинаётган ишларга келсак, 2007 йилдан бошлаб вилоятлардаги барча кутубхоналар ziyo.net тармоғига уланиб, электрон каталоглар яратилди. Бунинг воситасида китобхонларга ўзларига керакли бўлган адабиётларни ўз вақтида ва тезкор топа олиш имконияти пайдо бўлди. Бу жараён мавуд кутубхоналаримизни замонавийлаштириш, хизмат маданиятини юксалтиришда катта ҳисса қўшиши шубҳасиз.

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА,
«Milliy tiklanish» мухбири

Бешикда ўсган бола

Фарзанднинг дунёга келиши ҳар бир оилага қувонч келтириш билан бир қаторда ота-онага жуда катта масъулият юклайди. Боланинг ҳам жисмонан, ҳам маънан етук инсон бўлиб камол топиши ҳар жиҳатдан уларнинг тўғри парваришига боғлиқ. Гўдакнинг илк кунларидаги ҳаёт тарзи, саломатлиги бевосита унинг келажагига таъсир кўрсатади.

Аждодларимиз азалдан чақалоқ парваришида бешикдан кенг фойдаланиб келишган. Олимларнинг фикрича, бу бир неча минг йиллик тарихга бориб тақалар экан. Халқимиз бешикка шунчалик меҳр қўйганиданми барча замонларда унга нисбатан муқаддас буюм сифатида қараб, турли хил туморлар осиб қўйишган. Улар бешикни «фарзанд рамзи» деб билганлар.

Бироқ, бугун ана шу бешикка нисбатан айрим ёш оилаларимизнинг менсимай қараётганликлари ҳам аҳён-аҳёнда кўзга ташланмоқда. Таъсуфки, баъзи бир тиббиёт ходимларининг чақалоқни бешикдаги тарбиясига нисбатан юзаки муносабатлари бунга сабаб бўлмоқда. Биз бу билан уларни камситиш фикридан йироқмиз. Фақатгина бу борада боболаримиз, момоларимизнинг бой ҳаётий тажрибалари-ю урф-одатларимизнинг аҳамияти хусусида фикр юритсак. Хулоса эса ҳамманинг ўзига ҳавола.

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида истиқомат қилувчи 80 ёшни қаршилаган Зулфия ая Хасанова кўпни кўрган, эл орасида ҳурмати баланд онахонлардан. Уларнинг ҳам бешик ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

— Аввало шу мавзуда ёзаётганликларингиз учун сизларга раҳмат. Аслида бешик ҳеч қандай таърифтавсифга муҳтож бўлмасаям, бугун бешик ҳақида айрим шахсий фикрларимни билдирмоқчиман. Негаки, ёш оилалар бола парваришида ўзларига бешикни эп қўришмаяпти. Неча юз йиллардан буён жонтанимизга сингиб кетган «она — бешик» бугун эсдан чиқа бошлади. Келинг, аввал бешик анжомлари ҳақида озгина гапириб берсам. Бешик устига ёпиладиган ёпинчиғ «говрапўш» деб аталади. Говрапўшлар мавсумга қараб, қишда духобадан, баҳор ва куз ойларида сурп, ипак, ёзда эса дока матоларидан бўлади. Бешик тагига солинадиган кўрпача «қовус» деб аталади. У одатда тарикдан тайёрланади ва асосан намликни ўзида ушлаб, турли ноҳуш ҳидларни атрофга тарқалишининг ҳам олдини олади. Бешикнинг бошқа анжомлари ҳам ўзимизнинг табиий матолардан тикилади. Мен етти фарзандимни, 28 невара, 13 эварамни бешикда катта қилганман. Яратганга шукр, ҳаммалари соғ-омон бўлиб, эл корига яраб юришибди. Насиб этса, чевараларимни ҳам бешикда катта қиламан. Ахир «бешик бола — бек бола» деб бежиз айтмаган доно халқимиз.

Назаримда бешикда гўё бир сир бордек. Гап келганда ўзимнинг ҳаётимда бўлган бир воқеани сўзлаб берсам. Чунки, буни ҳеч унутиб бўлмайди. 1966 йил Тошкентда ер қимирлаганда ана шу бешик туфайли, кенжа қизим омон қолганди. Ўшанда ярим тун, зилзила рўй берганида раҳматли чолим билан олти боламни ҳовлига зўрға олиб чиқиб улгурдик. Аммо кенжа қизим Шаҳноза бешикда эди. У уй ичида қолиб кетди. Ойналар чил-чил синди, деворлар қулаб, ер билан битта бўлди. Тамом, қизимдан айрилдим, деб ўйлагандим ўшанда. Ҳайриятки, бешик ёпинчиғидан ўтиб боламнинг устига на бир сиқим тупроқ на бир парча ойна тушган экан. Шу-шу бўлдию халоскорим — бешикни ҳозиргача асраб келаман. Қизимнинг ўғли ҳам шу бешикда катта бўлган. Насиб этса, унинг фарзандини ҳам бешикда катта қиламан. Аслида болани соғлом қилиб вояга етказишда бундан яхши дўст

йўқ. Мисол учун боланинг таги доимий қуруқ сақлангани боис чақалоқ тиниқиб ухлайди. Бу пайтда она ҳам бемалол уй юмушларини бажариши мумкин. Ҳозирги ёш оналар болани белига боғлаб олиб, на овқат қилишга, на уй ишига ярайдилар. Негадир улар кўпроқ «памперс»ни афзал кўришади. Тўғри болани кўча-куйга, меҳмонга ёки шифокорга олиб борганда таглик жуда қулай. Лекин ҳар нарсанинг ўз меъёри бўлганидек, ундан фойдаланишнинг ҳам ўз вақти, тартиб-қоидаси бор. Тагликдан домиий фойдаланиш чақалоқ учун кони зарар. Биринчидан, у боланинг сон ва тос суякларини тўғри ривожланишига монеълик қилса, иккинчидан, тагликка ўрганган болаларда кейинчалик ҳам ётган жойини ҳўллаб қўйиш хавфи пайдо бўлади.

Бешик эса бу каби иллатлардан мутлақо холи. Қолаверса, боланинг уйқусида ўгириб қолиш, нафас қайтиб димиқиш ҳолларини олди олинади. Лекин боя айтганимдай ҳар нарсанинг ўз қонун-қоидаси бор. «Бола яхши ётибди, унга ёқаяпти, йиғламаяпти» деб гўдакни кун бўйи, уйғоқлик пайтида ҳам бешикда қолдириш ярамайди. Ҳар сафар бир томондан эмизиш ҳамда қаттиқ тебратиш бола организмида турли ўзгаришлар рўй беришига ва хасталикларни келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Шундай ҳолатда ётган болада бош суягининг «пачоқ» бўлиши ёки бўйиннинг қийшиқ ривожланиши хавфи бор. Бироқ замонамизнинг етук тиббиёт ходимлари бешикдан меъёрида фойдаланиш соғлом бола учун мутлақо зарарсиз, аксинча бола суякларининг тўғри ривожланишига ёрдам беришини таъкидлашмоқда. Фақатгина чаноқ-сон бўғини дисплазияси, туғма юрак пороги бўлган ёки туғилаётганда бош суяги жароҳатланган чақалоқларни бешикка беламасликни маслаҳат беришади.

Бешикни қоронғу ерга қўйиш ярамайди. Аксинча, эрталаб соат 8^{00}-10^{00}лар оралиғида бола «Д» витаминини қуёш нури орқали баданига ўзлаштираётган пайтида бешик ҳовлининг қуёш нури тушадиган ерига олиб чиқилиши лозим ва унинг тагига кўрпача солиб оҳиста тебратган маъқул. Чақалоқни илк бор бешикка белаётганда оиламизнинг фаришталари бўлмиш момоларимизнинг маслаҳатларига амал қилган яхши. Уларнинг болани бешикка белаганда «Эгалари кирсин бў-бўлари чиқсин» иборалари ёки уйғонганида «ос-ос» деган машқларида ҳам ҳикмат бор. Негаки, бу машқ бола кураклари ёпишиш ва белининг қотиб қолишидан асрайди. Вақти-вақти билан бешик тувагини тозалаб туриш билан бир қаторда пардаларни очиб, ўрин кўрпаларни шамоллатиш ҳамда гигиена қоидаларига риоя этилиши лозим. Сумакни ишлатишдан олдин майин бўлиши учун ёғлаб турилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Суҳбатимизни бешикчи уста Суръат Акбаров билан давом эттирдик.

— Бешикчилик билан 40 йилдан буён шуғулланаман. Отам, бобом ҳам шу ҳунарнинг усталари бўлишган. Ҳозирда ўғилларим, набираларим ҳам бешикчилик сир-асрорларини қунт билан ўрганиб келишмоқда. Уларга қараб боболардан бизгача ўтиб келаётган бешикчилик ҳунарининг авлодлар оша умрбоқий давом этишига ишончим ортади. Миллий анъаналаримизнинг ана шундай бардавомлиги учун ўз ҳиссамни қўшаётганимдан хурсандман.

Бешик ясашда азалдан қурт тушмайдиган тут ва тол дарахтларидан фойдаланишган. Бунда баҳор пайти бешик учун дарахт кесилиб, пўсти тозаланади ва саратон ҳавосини олиб, обдон қуриганидан сўнг ундан яхши бешик ясаш мумкин. Шунда бешик қийшаймайди, синмайди, ёрилиб ҳам кетмайди. Бўёқларининг табиий бўлгани боис ўзидан ҳеч қандай нохуш ҳид чиқармайди. Энг асосийси бешик ясаётганда умуман мих ишлатилмайди. Яъни ёғоч бир-бирига симметрик қилиб жойлаб маҳкамланади. Бундай бешиклар бир оилага 30-40 йилгача хизмат қилиши мумкин. Замона зайли билан деганларидек, бешикларимиз ҳам йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Илгариги бешиклар текис, оддийроқ бўлган бўлса, ҳозиргилар жимжимадор, бежирим, ранглари ҳам кўзга ташланадиган қилиб ясалмоқда. Бундан ташқари жойни тежаш ва олиб юришга мўлжалланган йиғма бешиклар ҳам ниҳоятда қулай бўлиб, асосан кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи юртдошларимизга қўл келмоқда.

НАШР

Миллий энциклопедия — миллий тикланиш кўзгуси

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда)

Бош таҳрир ҳайъатининг шу жилдга бағишланган 6 марта қизғин йиғилиши ўтказилди. Миллий энциклопедиями — унда фақат Ўзбекистонга бағишланган мақолалар бўлиши керак, деган таклифлар ҳам бўлди. Маълум бўлишича, Европа энциклопедияларида «национал» сўзи инглизчадан олинган бўлиб «давлатга мансубликни» англатар экан, бинобарин бизлардаги «миллат» сўзи умумбашарийликни инкор этмас эди. Ҳақиқатандан ҳам универсал энциклопедияда миллийликни умумбашарий тушунчалардан айри ёритиб бўлмасди.

Мустақиллик Ўзбекистон Республикаси қарор топгач, мамлакат ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётида рўй берган туб ўзгаришлар, кўплаб тарихий воқеалар ва ҳодисаларга, маданий меросга, тарихий шахсларга нисбатан янгича қарашлар, шунингдек, илм-фан, техника соҳаларида қилинган ихтиролар натижасида фанда янги тушунча ва терминлар пайдо бўлиши, ўзбек тилига давлат мақоми берилиши туфайли тилимизнинг имкониятлари кенгайиши кўп жилдли «Ўзбекистон миллий эницлопедияси»ни яратишни тақазо этган эди. Мустақиллик туфайли юзага келган янги шарт-шароит мана шундай энциклопедияни тайёрлаш ва мазкур энциклопедия мақолалари орқали тарихий ҳақиқатни тиклаш имкониятини берди.

Нашриёт жамғармасидаги 100 мингга яқин термин ва тушунчалар янги талаблар асосида қайта кўрилиб, фан соҳалари бўйича мавзули сўзликлар тузилди. Мавзули сўзликлар илмий нашриётда тегишли мутахассислар билан биргаликда илмий манбалар, сўнгги адабиётлар асосида синчиклаб кўриб тузатилди ва тўлдирилди. Сўзликни тузишда ва ҳажм белгилашда фанлараро нисбат сақланди, ҳар бир мақоланинг ҳажми терминнинг аҳамиятига қараб белгиланди. Мавзули сўзлик асосида миллий энциклопедиянинг умумалифбо сўзлиги тузилди. Бу сўзлик ҳам илмий жамоатчилик ўртасида кенг муҳокама этилиб, билдирилган фикр ва мулоҳазалар эътиборга олинди. Натижада 60 мингга яқин термин-тушунчани ўз ичига олган ЎзМЭнинг умумий сўзлиги тасдиқланди. Энциклопедия жилдларини тайёрлаш жараёнида майда, тор соҳаларга оид тушунчалар сўзликдан чиқарилиши натижасида умумий сўзлик яна ҳам ихчамлашди. Бунинг ҳисобига безак материаллари ҳажми анча кенгайтирилди. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»да жаҳон энциклопедиялари анъаналаридан келиб чиқиб, умумий методик қўлланма, шахслар ҳақидаги (биографик) мақолаларни тайёрлаш учун қўлланма ишланди. Иккинчи қўлланмада шахслар ҳақидаги мақолалар мезони, мақолалар номини бериш тартиби, мақолалар ҳажмини белгилаш, биографик мақолаларда маълумотларни бериш тартиби кўрсатилди. Шунингдек, илмий муҳаррир ва муаллифлар учун дефиниция, транскрипция ҳаволалар тўғрисида, безак материаллар бериш ҳақидаги амалий қўлланмалар, мақолаларнинг намунавий тузилмалари (схемалари) ишлаб чиқилди. Таҳрир жараёнида такрорга, ортиқча тафсилотларга ўрин бермаслик, ғоявий-сиёсий, илмий, фактик хатоларга йўл қўймаслик учун мақола қўлёзмаларини тажрибали, масъул илмий муҳаррирлар ўртасида сидирға ўқиш, таҳририятлараро алмашиб ўқиш тартиби жорий этилди.

Мураккаб ва мунозарали мавзудаги мақолаларни турли муаллифларга ёздириш, бир-биридан бехабар бир қанча тақризчиларга бериш, тузатилган энг сўнгги мақолаларни фан соҳалари илмий маслаҳат кенгашларида, ҳатто илмий тадқиқот институтлари илмий кенгашларида муҳокама этиш тартиби ўрнатилди. Ҳар бир жилд бўйича тайёрланган мақолалар ЎзМЭ Бош таҳрир ҳайъати аъзолари томонидан ўқилиб, муҳокама этилиб уларнинг фикр-мулоҳазалари тузатилгандан сўнг босишга рухсат этилди. Энциклопедиянинг 12 жилдини тайёрлаш жараёнида ЎзМЭ Бош таҳрир ҳайъатининг 17 марта кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Уларда ЎзМЭни тайёрлаш ва нашр этиш билан боғлиқ бир қанча илмий-назарий, методик ва мунозарали масалалар муҳокама этилди.

Амалга оширилган катта ташкилий, ижодий-методик ишлар натижасида «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»нинг умумалифбо тартибидаги 1-жилди 2000 йилда, 11-жилди 2005 йилда, унинг Ўзбекистон Республикасига бағишланган сўнгги тематик тартибдаги 12-жилди 2006 йилда нашрдан чиқди.

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»нинг умумий ҳажми 1600 нашриёт-ҳисоб табоғини ташкил этиб, 50 мингдан зиёд мақолани ўз ичига олади. Энциклопедиянинг барча жилдларида 9 мингдан зиёд безак материаллар ва хариталар берилди. Ҳар бир жилднинг адади 10 мингдан. Аксарият, мақолаларда библиография кўрсатилган. ЎзМЭ 1-жилдли зарварағидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ўқувчиларига йўллаган табриги ўрин олган. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» маданият, фан ва техниканинг барча соҳаларига оид маълумотларни мухтасар тарзда ифодалаб, инсоният цивилизациясининг муҳим ютуқлари ҳақида батафсил ва кенг қамровли маълумот беради. Ўзбекистон ҳақидаги материаллар энциклопедиянинг асосий қисмини эгаллайди. Умумбашарий мақолаларнинг ҳам анчагина қисми Ўзбекистон билан узвий боғлиқ ҳолда ёзилган. Энциклопедияда авваломбор мамлакатимизнинг ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейинги даврда ижтимоий-иқтисодий, маданий, маънавий-сиёсий ҳаётида юз бераётган катта ўзгаришлар атрофлича кўрсатилган.

Ўзбекистоннинг энг қадимги даврлардан ҳозиргача бўлган тарихи, шунингдек, мустамлакачилик зулмига қарши, юрт озодлиги ва мустақиллиги йўлида курашган халқ қаҳрамонлари, таниқли давлат ва сиёсат арбоблари, фан ва техника адабиёт ва санъат намоёндалари ҳаёти ва фаолияти ҳақида бой маълумот берилган. Миллий энциклопедияда, айниқса, ўзбек халқининг урф-одатлари, анъналари, қадриятлари, маданияти, адабиёти кенг ёритилган.

(Давоми бор)

Келажагимиз замонавий технологияларга боғлиқ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Сув ва материал сарфини камайтиришга қаратилган юқори даражадаги технологияларни яратиш ҳозирда инсоният олдидаги энг долзарб вазифа бўлиб қолаётир.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар қилишда инновация қанчалик муҳим ўрин тутса, замонавий ахборот технологиялари ҳам шунчалик муҳим аҳамият касб этмоқда. Электрон ахборот алмашуниви, электрон ахборот рессурс маркази, масофадан туриб бошқариш, электрон имзо, он-лайн тизми ва шунга ўхшаш замонавий технологиялар асосида яратилган қулайликлар тобора такомиллашиб бормоқда. Интернетнинг беқиёс имкониятлари туфайли янгидан-янги хизмат турлари инсоният ҳамроҳига айланмоқда.

Мамлакатимизда энг илғор технологияларни, хусусан, замонавий ахборот, инновацион ва нанотехнологияларини яратиш ва жорий қилиш, соҳани малакали мутахассислар билан таъминлаш ва тайёрлашга давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан салмоқли ишлар амалга оширилди. Бу борада Президентимизнинг қатор қарор ва фармонлари, шунингдек соҳа фаолиятини тартибга солувчи қонунлар қабул қилинган.

Мустақил тараққиётимизнинг ўтган йиллар тажрибасига назар солсак ҳар қандай соҳадаги ислоҳот аввало унинг мустаҳкам пойдеворини яратишдан бошланганлигига гувоҳ бўламиз. Буни замонавий технологияларни ишлаб чиқариш ва таълим соҳасида қўллашда ҳам бемалол кўришимиз мумкин. Айниқса, ёшларни тарбиялаш ва уларга пухта билим бериб, келгусида дунёқараши кенг, юксак малакали мутахассис-кадрлар бўлиб етишишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биргина Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва "Таълим тўғрисида"ги Қонун талаблари ва ижросини олиб кўрадиган бўлсак бу борада юртимизда салмоқли ишлар амалга оширилганлигига гувоҳ бўламиз.

Бутун Ўзбекистон бўйлаб қад ростлаган касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва мактабларни жиҳозлаш, жизоҳлаганда ҳам энг замонавий компьютерлар ва дастурлар билан таъминлаш кишини ҳавасини келтиради. Ўхшаши йўқ бу дастур наинки мамлакатимизда, ҳатто дунёнинг энг илғор мамлакатлари олимлари, мутахассислари, фан ва жамоат арбоблари томонидан тан олиниб, таҳсинга сазавор бўлди.

Халқимиз фарзандлари бугун компьютер, интернет, масофадан ўқитиш сингари тараққиёт меваларидан баҳраманд бўлиб, бу янгиликлар қошида ҳайратга тушиб, шошиб қолаётганлари йўқ. Бу нарсалар аллақачон ҳаётимизнинг оддий ва ажралмас қисмига айланиб бўлди. Айниқса, истиқлол ғояларига содиқ, замонавий билимлар эгаси, мустақил позицияга ва дунёқарашга эга баркамол авлодни тарбиялашда мамлакатимизда янги узлуксиз таълим тизими яратилиб, ҳар бир шаҳар, туман ва кўпгина қишлоқларимизда академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, мактаблар қад ростлади. Биргина мисол: 2006 йил 61 та янги мактаб, 8 минг ўқувчи ўрнига эга 6 та академик лицей, 70 минг ўринли 124 та касб-ҳунар коллежи қуриб фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари 385 та мактаб капитал реконструкция қилинди ва 530 та мактаб эса капитал таъмирдан чиқарилди. Умуман олганда эса ўтган давр мобайнида 1200 дан зиёд академик лицей ва касб-ҳунар коллежи, 4600 дан ортиқ умумтаълим мактаби бунёд ва реконструкция қилинди. Бу рақамлар залвори, кўлами ортида Ўзбекистон қудрати ва келажаги мужассам.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов 2007 йил якунлари ва 2008 йилда ислоҳотларнинг чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган ҳукумат мажлисида қилган маърузаларида ҳам айни масалага алоҳида тўхталиб жумладан шундай дедилар: **"Бу вазифаларни ҳал этиш учун Кадрлар тайёрлаш ва мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастурлари доирасида ўтган давр мобайнида юртимиздаги таълим муассасалари – мактаблар, лицей ва коллежларнинг замонавий моддий-техник ва ўқув базасини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, таълим-тарбия жараёнига янги стандартлар, илғор педагогик ва ахборот технологияларнинг жорий этиш борасида қўлами ва маъно-мазмунига кўра ҳақиқатан ҳам улкан ишларни амалга оширдик".**

Таълим соҳасида амалга оширилаётган бундай беқиёс ислоҳотлардан кўзланган мақсадлардан бири ҳам – айнан миллатимиз ва давлатимизни тараққиётнинг энг илғор марраларига олиб чиқиш, халқимиз тафаккур ва илм дунёси, яратувчилик салоҳияти ҳеч кимдан кам эмаслиги ва ҳеч кимдан кам бўлмаслигини намойиш қилишдан иборат эканлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Бугун Ўзбекистоннинг барча ташкилот ва муассасалари, банк ва миллий компаниялари, ўқув юртлари, оммавий ахборт воситалари халқаро интернет ва бошқа алоқа тармоқларига уланган ва кириб борган. Бизда ахборот олиш, алмашиш ва айрибошлаш тизими ва амалиёти шаклланди ва унинг ҳуқуқий базаси яратилди.

ТАДБИР

Инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ифодаси

Т.БЕКНАЗАРОВ, ЎзА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ташаббуси билан Жиззах давлат педагогика институтида «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг аҳамияти» мавзуида семинар бўлиб ўтди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 1 майда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар Дастури тўғрисида»ги фармонининг ижроси юзасидан ўтказилган мазкур тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари, вилоят ва шаҳар ҳокимликлари вакиллари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари, профессор-ўқитувчилар ва талабалар иштирок этди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин қўшилган биринчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжат саналади. Демократик, ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаган мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари жамиятни ривожлантириш ва давлат қурилишининг, ички ва ташқи сиёсатнинг устувор йўналиши этиб белгиланган.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва миллий қонунчилигимиз меъёрларида ўз ифодасини топган

Семинарда мазкур ҳуқуқий ҳужжатнинг мазмун-моҳияти, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самаралари, аҳоли, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар хусусида сўз юритилди.

Тадбир доирасида ўқувчи ва талабаларнинг бу борадаги билим ва кўникмалари синовдан ўтказилиб, «Энг яхши ҳуқуқ билимдони» танлови ғолиби аниқланди.

ТИЛГА ЭЪТИБОР — ЭЛГА ЭЪТИБОР

Халқ руҳияти

Тўлқин ЭШБЕК

Исмларга турли замонларда турлича муносабатда бўлинганини тарихий асарлардан, халқ оғзаки ижодидан биламиз. Собиқ мустабид тузум давридагина исмларимизга озмикўпми нотўғри муносабатда бўлингани ҳам ёдимиздан чиқмайди. Яъни, айрим исмлар «Туғилганлик ҳақида гувоҳнома»га хато ёзилаверган. Бир жиҳатдан ўша даврда «ўзбекона исм бундоқ ёзилади» деб гапириш ҳам мумкин эмасди.

Дунё билан бўйлашаётган мустақил Ўзбекистонимизнинг тараққиёт босқичида рус, инглиз, француз ва бошқа халқаро тилларни ҳам пухта ўрганишимиз нечоғли зарурлигини бугунги авлод онгли равишда англаб етмоқда.

Бу борада таниқли олим Э.Бегматовнинг 1998 йилда "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриёти томонидан чоп этилган «Ўзбек исмлари» китобининг 604-бетида шундай жумлани ўқиймиз: «Туғилганлик гувоҳномаларида, паспортлар ва бошқа хил расмий ҳужжатларда анъанавий шаклларда расмийлашган ёки хато ёзилган исми шарифлар анчагина. ...Исми шарифлар билан алоқадор муаммоларнинг ҳал бўлиши кўп жиҳатдан Бахт уйлари, қишлоқ кенгашлари йиғинлари ва паспорт бўлимларида номларни расмий ҳужжатларда қайд қилувчи кишиларнинг мутахассислик малакаси ва имловий савиясига боғлиқ. Улар фуқароларнинг исми шарифларини қайд қилиш ва тўғри ёзишда оқилона иш тутишлари, ўз шахсий мулоҳазаларига ёки баъзи нотўғри маълумотларга ёпишиб олмасликлари лозим». Бағоят доно фикр. Афсуски, ҳаётимизнинг худди шу қатламида бир муаммо кўндаланг турибди. Яъни, ҳозир ҳам айрим жойларда янги туғилган чақалоқларнинг илк ҳужжати – «Туғилганлик ҳақида гувоҳнома»сига уларнинг исми шарифини ёзишда аввало ота-онасининг паспортларидан (имловий хатоларини ҳам) айнан кўчирган ҳолда ёзмоқдалар. Юртимиз мустақиллигига қарамай, бундай мудҳиш хатоликни давом эттираётган лоқайд кимсалар ҳақида нима дейиш мумкин?!

Бундай қўпол имловий хатоликлар бошқа ҳужжатларда ҳам давом этаётир. Ахир, ҳар куни юртимизда минглаб ўғил-қизларга «Туғилганлик ҳақида гувоҳнома» берилмоқда. Ўша ҳужжатга қараб «Фуқаролик паспорти», «Ўрта маълумоти тўғрисида шаҳодатнома», «Никоҳ қоғози», қайсидир ўқув юртини тамомлаганлиги ҳақида диплом (аксарият илмга чанқоқ инсонлар икки-уч ўқув юртидан диплом олмоқдалар), «Ҳарбий билет», бирор партия ё уюшмага аъзолик билети, «Ҳайдовчилик гувоҳномаси», «Техпаспорт», «Меҳнат дафтари», «Уй дафтари», даволаш муассасаларидаги махсус дафтарлар ва ҳоказолар янгидан ёзилаётир. Булардан ташқари, ҳар куни сонсаноқсиз «Турар жойдан маълумотнома», иш жойидан маълумотнома, тавсифнома, меҳнатга лаёқати бор ёки йўқлиги ҳақида варақа, тўловномалар, хизмат сафари гувоҳномаси, нотариус ва бошқа ҳуқуқий идоралардан муҳим ҳужжатлар олинади. Ҳар бир ишхонада ҳисобчи, кадрлар бўлими, хазиначи ёзиб тўлдирадиган ҳужжатларга ҳам исми шарифингиз ёзилиши зарур. Албатта паспортдагидек ёзилиши шарт. Ана энди бошда бир марта «адашиб» ёзилган «Халтаев Тахир»нинг шунча ҳужжатларда такрор-батакрор таҳқирланишини кўз олдингизга келтиринг!..

Бундай нозик муаммони ижобий ҳал этишда шошма-шошарлик кетмайди. Исминг ундоқ ёзилган, ҳужжатинг бунақа, деб бировнинг нафсониятига тегиш ҳам инсонийлик мезонига тўғри келмайди. Ишни қонун доирасида янги дунёга келаётган ўғил-қизларимиз исми шарифини «Туғилганлик ҳақида гувоҳнома»га биратўла тўғирлаб ёзишдан бошласак мақсадга мувофиқ бўлармиди! Унга қараб мактабдаги журналга айнан кўчирилади. Сўнг, ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатномага исми шарифи тўғри ёзилади. Бошқа ҳужжатлар ҳам шу тариқа тўлдириб борилаверади.

Бугун одилона қонунларимизнинг қадрига етишимиз, уни сўзсиз амалга оширишда камарбаста бўлишимиз лозим. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонунининг 15-моддасида «Ўзбекистон Республикасида яшовчи шахслар, ўз миллатидан қатъи назар, ўз исмини, ота исми ва фамилиясини миллий-тарихий анъаналарга мувофиқ ёзиш ҳуқуқига эгадирлар» деб ёзилган! Маълумки, 1995 йил 21 декабрда мазкур қонун қайтадан янги таҳрирда қабул қилинган. Унгача амал қилган қонунимизга мувофиқ ҳам кўпгина ватандошларимиз, миллатдошларимиз янги давр ҳужжатларини олиш шарафига мушарраф бўлганлар. "Давлат тили ҳақида"ги Қонунда аввало исми шарифларнинг ҳужжатларда ёзилиш масаласи оқилона ҳал этилгани сир эмас. Унда шундай жумлалар қайд этилган: «Исмлар, ота исми ва фамилияларининг ягона тўғри шакли махсус маълумотномаларда қайд этилади. Ўзбекча исмлар, ота исми ва фамилиялар бошқа тилларда берилганда, айни чоғда, дунёга машҳур кишиларнинг ота исми ва фамилияси ўзбек тилида берилганда уларнинг асл ёзилиш хусусияти сақланиб қолади. Исмлар, ота исми ва фамилияларни ёзишда ўзбек тилининг ифода ва талаффуз қонуниятларига риоя этилади». Адолатли Қонунларимизга монанд исми шарифларимизнинг тўғри ёзилиши учун «махсус маълумотнома» ҳам дунё юзини кўрди. Бу – «Ўзбек исмлари» қомусий китоби эканлиги кўпчиликка яхши маълум. Унда исмларнинг лотин алифбосида ёзилиш тартиби ҳам кўрсатилгани айни муддао бўлган.

Юртимиз истиқлолга эришганидан буён кўплаб миллий қадриятларимиз қатори она тилимиз ҳам давлат тили мақомида тобора равнақ топиб бормоқда. Юртбошимиз Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" китобида ҳам бу борада ғоят мухтасар фикрлар баён этилган. "Маълумки, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили – бу миллатнинг руҳидир".

Шу ўринда эҳтиром билан айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни қабул қилинишидан тортиб, унинг амалга оширилиши, ижтимоий воқеликка айланишигача бўлган ғоят мураккаб жараёнларда муҳтарам Юртбошимизнинг хизматлари беқиёсдир. "Бу ҳақда гапирганда, мустақиллик арафасида ўзбек тилига давлат мақомини бериш масаласида қандай қизғин, баъзида кескин ва муросасиз баҳс ва тортишувлар бўлиб ўтгани ёдимизга тушади,– деб ёзади давлатимиз раҳбари. – Мана шундай қалтис ва мураккаб вазиятда агарки озгина эҳтиросга берилсак, ҳушёрликни йўқотсак борми, арзимаган учқундан ўт чиқиб кетиши ҳеч гап эмасди. Марказда ва ўзимизда қулай баҳона кутиб, пайт пойлаб турган империяпараст кучларга айнан шу керак эди. Аммо биз улар кутган йўлдан бормадик. Оғирвазминлик билан иш тутиб, ҳар томонлама ўйлаб, мулоҳаза қилиб, барча сиёсий ва ижтимоий гуруҳларнинг талабларини қондирадиган, энг муҳими, халқимиз ва Ватанимиз манфаатларига жавоб берадиган ягона тўғри йўлни топишга эришдик".

Дунё билан бўйлашаётган мустақил Ўзбекистонимизнинг тараққиёт босқичида рус, инглиз, француз ва бошқа халқаро тилларни ҳам пухта ўрганишимиз нечоғли зарурлигини бугунги авлод онгли равишда англаб етмоқда. Биргина компьютер технологияси ва унда Интернет тизимини мукаммал эгаллаш учун ҳам аввало ўша тилларни пухтароқ билганлар кўпроқ эзгу мақсадларига эришмоқдалар. Тил билган эл билади, деганларидек, дунёвий тилларни мукаммал эгаллаётган юзлаб иқтидорли ёшларимиз кўплаб халқаро танловларда фаол иштирок этишиб, турли грантлар соҳиби сифатида ривожланган давлатларга ўқишга бораётганлари ҳам фикримизнинг далилидир.

Озод ва обод Ватанимизда аввало ўз она тилимиз мавқеини юксак даражада равнақ топтиришимиз, бу борада қабул қилинган қонун ва ҳукуматимиз қарорларини тўлақонли ижро этишимиз ҳам фарз, ҳам қарздир.

ШАРҲ

Беҳзод ИСКАНДАР

Иқтисодиётдаги курашлар

жаҳонда юз бераётган молиявий инқироздан ҳеч ким манфаатдор эмас

Жаҳон иқтисодиёти яхлит маконга айланиб бораётган бир шароитда АҚШда рўй берган молиявий инқироз умумий бозордаги шаклланаётган тартиб ва қоидаларга путур етказди. Сайёрамизда XXI асрда мукаммал молиявий тизимлари ҳали яратилмаганлиги мавжуд муаммони янада кескинлаштирмоқда. АҚШда бошланган ипотека, молиявий инқирозлар тез орада дунуёнинг бошқа мамлакатларига ҳам ёйилди.

Молиявий инқироз дунё иқтисодиётининг ўсиш суръатларини пасайтирибгина қолмай, нефть нархи, уй-жойларнинг баҳосини ҳаддан ортиқ тушириб юборди. Оқибатда Америка Конгресси иқтисодиётни ўнглаш учун «Полсон режаси»ни тасдиқлашга мажбур бўлди. Унга кўра, ҳукумат томонидан қадрини йўқотган инвестицион облигациялар, ўзини банкрот деб эълон қилган банк активларини сотиб олиш, молия тизимини инқироздан асраб қолиш мақсадида 700 млрд. доллар миқдорида маблағ ажратилди. Мазкур режа тасдиқланганига ҳам 15 кундан ошди. Хўш, натижалар қандай?

Айрим экспертлар бундай пул кўчиришлар ҳозирги иқтисодиёт учун жуда озлиги, унинг кўп йиллардан буён емириб келинган иқтисодий қудратга даво бўлмаслигини таъкидлашган. Аммо хаста молиянинг қаддини ростлашга ҳаракат қилаётган мутахассисларнинг ишонч билан айтишича, бундай саъй-ҳаракатлар кўз очиб юмгунча дарров самара бермайди, балки тадрижий равишда олиб борилажак режалар орқали иқтисодиёт тўғри йўлга солинади. Тарозининг иккинчи палласидаги фикрларга кўра, АҚШ иқтисодиёти 2010 йилларга борибгина тузалиши мумкин. Бунинг учун АҚШга қарийб 5 триллион доллар зарур бўлади.

Демак, маъқул йўллардан бири – бу қарз олиш. Бу кўпчилик мутахассислар томонидан эътироф этилаётган таклиф, аммо мамлакатда куни кеча президентлик сайловлари бўлиб ўтди. Амалдаги давлат раҳбари Жорж Буш ўз лавозимини расман 21 январь куни топширади. Хуллас, АҚШда янги президент сайланаётган бир пайтда бундай йирик лойиҳага қўл уриш имконсиз ҳозирча.

АҚШда юзага келган молиявий инқироз негизида ушбу мамлакатнинг молиявий тизимида анчадан бери яширин равишда қўлланиб келинган ўйинлар сабаб бўлгани шубҳасиз. Уолл-Стритда гигант молиявий корпорациялар томонидан бир неча йиллар давомида амалга ошириб келинган молиявий найранглар кўриниб қолди. Бунда қуйидаги ҳолатни кузатиш мумкин: мижоз банкка мурожаат этиб, турар жойга кредит олади, шунга қарамай банк ноқулай шароит вужудга келса мижоз кредитни ўз вақтида қайтара олмаслигини олдиндан билади. Шунинг учун ўзидаги кредитни ортиқча ушлаб турмаслик учун уни ишончлилари билан аралаштиради ёки қимматли қоғозга айлантиради.

Мазкур ясама облигацияларни эса бошқа банк унинг амалдаги нархидан юқори нархда сотиб олади. Шу тарзда сунъий ҳосил бўлган занжирлар жаҳон бозорини кеза бошлайди. Улар биржаларда сотувга қўйилиб, харид қилинади, натижада янги-янги деривативлар чиқарилади, хуллас, жараён шу тарзда давом этаверади. Чайқовчиликнинг назарий асосларини ўйлаб топганларнинг бундай операциялари эса охир-оқибат бугунга келиб шишиб «ёрилди». Маълумотларга қараганда, сўнгги 7 йил ичида 51,6 триллион долларлик деривативлар босилган.

Молиявий инқирознинг яна бир сабабини андак тарихдан ҳам қидириш мумкин. Ўтган асрнинг 70-80-йилларида Қўшма Штатлар Индонезия, Таиланд ва Аргентина, шунингдек, Африканинг қатор давлатларига Халқаро валюта фондининг миллиардлаб кредитлари ажратилишига сабабчи бўлганди. Эҳтимол уларни қайтариш пайти келганда Американинг иқтисодий қонуниятлари иш бермай қўйгандир. 2000-йилларга келиб эса истеъмолчилик кўламлари юқорига ўрлаб кетди, хомашё нархлари мутаносиб равишда ошиб борди. 2008 йилда кўпгина товарлар, айниқса нефть ва озиқ-овқат нархи шундай даражага бориб етдики, иқтисодиётга яққол зарар етказа бошлади. Углеводород хомашёнинг жуда баланд нархлари озиқ-овқат маҳсулотларининг қимматлашишига олиб келди. Бу эса инфляцияни оширди, устига-устак юз берган ипотека инқирози бир нечта йирик банкларни хонавайрон қилди, ишсизлик кучайди. Маҳсулот таннархи ҳам кўтарилиб, ишлаб чиқариш бефойда бўлиб қолди. Инқироз янада авж олиб, чуқурлашиш босқичига етди.

Молиявий инқироздан зарар кўрган давлатлар орасида Ирландия биринчилардан бўлиб иқтисодий турғунликка дучор бўлди. Мазкур давлат ялпи ички маҳсулоти йилнинг икки чорагидан буён пасайиш кузатилган. Исландияда эса мамлакат тарихида биринчи маротаба 9 октябрь куни акциялар савдоси тўхтатилиб, 15 октябрь куни банкрот деб эълон қилинди. Данияда жорий йилнинг 1-кварталида ялпи ички маҳсулот 0,6 фоизга камайган бўлса, Эстонияда бу кўрсаткич 0,9, Швецияда 0,5 фоизни ташкил этди. Европа Иттифоқида саноат ишлаб чиқариш май ойида салкам 2 фоизга тушиб кетди. Европа автомобилларини сотиш ўтган йилгига нисбатан қарийб 8%га камайган. Иқтисодий турғунлик Австралия, Сингапур, Тайванд, шунингдек Япония ва Канадани ҳам қамраб олди.

Жаҳонда рўй берган бундай инқироз аслида бир имтиҳон. Сўнгги маълумотларга кўра, иқтисодий инқироз туфайли жаҳондаги ҳар бир корхона ва ташкилотлар кўрпасига қараб оёқ узата бошлаган: йил якунланаётганига қарамай сарф-харажатлар камайтирилиб, ишлаб чиқаришнинг янги омиллари изланмоқда, ортиқча ишчи ўринларини қисқартириш ишлари олиб борилмоқда. Иқтисодиётда мамлакатлар ўртасида экспорт ва импорт, ишлаб чиқаришда чегара бўлмайди. Бусиз тараққиёт ҳам йўқ. Шунинг учун барча давлатлар мазкур молиявий инқирозни ҳар бир йиғилишларда муҳокама этишмоқда, вазиятдан тезроқ чиқиб кетиш йўллари изланмоқда. Ҳа, иқтисодиёт бир дақиқа ҳам тўхтамайдиган кураш қонунлари билан яшайди.

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Қўшни билан келишув

Хитой ва Тайван транспорт алоқаларини кескин кенгайтирди.

ХХР ва Тайвань икки давлатни ажратиб турувчи Тайвань қўлтиғи орқали амалга оширилувчи йўловчи ва юк ташиш бўйича ҳаво ҳамда денгиз алоқалари ҳажмини ошириш бўйича келишувни имзолади. Шу билан биргаликда мамлакатлар ҳар олти ойда аввало ўзаро молиявий алоқаларга тегишли музокаралар ўтказиш бўйича ҳам келишиб олдилар.

Ушбу келишув 1949 йилда муносабатлари дарз кетган икки давлат ўртасида мулоқотларнинг яхшиланишига олиб келди. Ўшанда Хитой коммунистлар ғалаба қозонган ХХР ва Гоминьдан партиясининг фуқаролар урушида мағлуб бўлган тарафдорларига бошпана бўлган Тайванга бўлиниб кетган эди.

Авваллари Хитойдан денгиз ва ҳаво орқали Тайванга келувчи барча йўллар ёпилган эди. Фақатгина 2008 йил июль ойидагина икки давлат вакиллари сўнгги 60 йил мобайнида биринчи марта транспорт алоқаларини яхшилаш учун учрашдилар. Натижада мамлакатлараро ҳафтасига 36 та йўловчилар авиарейслари амалга ошириладиган бўлди. Ҳозирги янги келишувга кўра эса уларнинг сони 108 тага оширилиши кўзда тутилган.

Маошлар музлатилди

Латвия депутатлари ўз маошларини музлатиб қўйишди.

Латвия депутатлари ўз маошларини музлатиб қўйишга ва миллий парламент автопаркини янгиламасликка қарор қилдилар.

Мамлакат Сейми фракциялари кенгаши мамлакатдаги оғир иқтисодий вазият билан боғлиқ равишда парламентнинг 2009 йилга мўлжалланган бюджетини 3,3 миллион лат (6,6 миллион доллар)га қисқартирадиган бўлди. Шунингдек, улар ўз ойликларини оширмасликка ва Сейм автопарки учун янги машиналар харид қилмасликка келишиб олдилар.

Машина аёлларга ҳам керак

Маълум бўлишича, машиналарнинг 85 фоиз моделлари биринчи навбатда аёллар учун ишлаб чиқарилар экан.

Расмий далилларга кўра, АҚШда сотиб олинадиган машиналарнинг 45 фоизи аёлларга тегишлидир. Аммо бу қоғозлардаги кўрсаткич, холос. Ахир америкалик эркаклар олган машиналар, гарчи уларнинг номига расмийлаштирилган бўлса-да, фақат ўзлари минади, дегани эмас, чунки ундан оила аёли ҳам фойдаланади, дейди «Форд» компаниясининг маркетинг хизмати бошлиғи Шерил Коннели.

Коннелининг сўзларига қараганда, аёлларга ҳам эркаклар сингари тежамкор, тез ва қулай юрадиган, кўриниши чиройли автомобиллар ёқади. Бироқ, улар эрлари кам эътибор берадиган салон қисмлари, ўриндиқлар қопланган материал сифати, жиҳозлар қандай жойлашгани, бошқариш панелидаги тугмалар қулайлиги каби майда-чуйдаларга эътибор қаратишади.

АҚШнинг навбатдаги президенти аниқланди

АҚШда шу йилнинг 4 ноябрь куни ўтказилган сайловда Б.Обама салмоқли кўрсаткич билан ғалабага эришган. Бу ҳақда Си-эн-эн хабар тарқатган.

Обама мамлакатнинг муҳим штатларида сайловчиларнинг кўпчилик овозини тўплашга муваффақ бўлган. Шундай қилиб, Барак Обама АҚШ тарихидаги биринчи қора танли давлат раҳбари бўлди. Мамлакатнинг 44-президентининг инаугурация маросими 2009 йилнинг январ ойи охирида бўлиб ўтади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

ҲАМКОРЛИК

Шанхайда Ўзбекистоннинг сармоявий имкониятлари муҳокама қилинди

«Жаҳон» АА,
Шанхай

Шанхайда «Ўзбекистон ва Хитой савдо-иқтисодий алоқаларини мустаҳкамлаш: сармоявий ҳамкорлик ва савдо муносабатлари» мавзуидаги давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир юртимизнинг Шанхайдаги Бош консуллиги ва мазкур шаҳар ишбилармонлари Ахборот клуби томонидан ташкил этилди.

Давра суҳбатида энергетика, тўқимачилик ва енгил саноати, фармацевтика, қурилиш, озиқ-овқат ва кимё саноати, транспорт коммуникациялари ва сайёҳлик соҳасида фаолият юритаётган Хитой фирма ва компаниялари, шунингдек маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Хитой ишбилармон доиралари вакиллари Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, мамлакатда давом этаётган хусусийлаштириш жараёнлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар билан танишиш имкониятига эга бўлди. Жорий йил биринчи ярмида ўсиш суръатлари 9,3 фоизни ташкил этган ялпи ички маҳсулот ҳажмининг тобора кўпайиб бораётгани ушбу эришилаётган ютуқларни яна бир карра тасдиқлади.

Давра суҳбатида хитойлик ишбилармонларга Ўзбекистон иқтисодиётига сармоя киритишнинг устувор йўналишлари, мамлакатимиз нефть ва газ, тоғ-кон саноати, сайёҳлик, автомобилсозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш борасидаги салоҳияти тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун яратилган ҳуқуқий пойдевор, жумладан, ишлаб чиқариш корхоналари ва ишбилармонлар имкониятларини кенгайтириш йўлида қабул қилинган қонун ҳужжатларига тадбир иштирокчилари эътибори қаратилди.

Мазкур ахборотларни зўр қизиқиш билан тинглар экан, меҳмонлар давра суҳбатида икки мамлакат ўртасидаги сармоявий ҳамкорлик ва савдо муносабатларини ривожлантириш истиқболларига оид масалалар муҳокамасида фаол иштирок этди.

Бўлиб ўтган баҳс-мунозара давомида Хитой ишбилармон доиралари вакиллари ўзбекистонлик ҳамкорлар билан алоқаларни йўлга қўйиш ва республикада ўзаро манфаатли бизнесни амалга ошириш, жумладан, келгусида экспортга мўлжалланган саноат маҳсулотларини биргаликда ишлаб чиқаришни ташкил этиш имкониятларини муҳокама қилди.

ТУРИЗМ

«Ўзбекистон-Сингапур: сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорлик»

«Жаҳон» АА.
Сингапур.

Юртимизнинг Сингапурдаги элчихонасида шу мавзудаги давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда ушбу мамлакатнинг «Universal Travel» сайёҳлик операторлари гуруҳи, «Ik Chin Travel», «Sino-America Tours Corporation», «Five Star Tour» каби бир қатор сайёҳлик агентликлари вакиллари қатнашди.

Иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2007 йил январь ойида Сингапурга буюрган ташрифи икки мамлакат муносабатларида муҳим воқеа бўлиб, ўзаро ҳамкорликнинг ривожланишига хизмат қилганини таъкидлади. Ўз навбатида, Сингапурнинг энг нуфузли олий ўқув юртларидан бири – Менежментни ривожлантириш институтининг хориждаги илк бўлими айнан Тошкентда очилгани, Сингапур Ўзбекистон билан дўстлик муносабатларини ривожлантиришга муҳим аҳамият қаратаётганидан далолатдир. Сингапурдаги йирик компаниялар раҳбарлари Ўзбекистонга мунтазам равишда ташриф буюриши ҳам юқоридаги фикрнинг яна бир тасдиғидир.

Давра суҳбати иштирокчиларининг фикрича, Сингапур миллий сайёҳлик агентлиги томонидан жорий йил август ойида ташкил этилган «НАТАС-2008» халқаро сайёҳлик ярмаркасида Ўзбекистон вакилларининг иштироки Сингапур аҳолисига мамлакатимизнинг бой сайёҳлик салоҳияти ҳақида кенг тасаввур ҳосил қилиш имконини берди.

Учрашувда «Universal Travel» сайёҳлик операторлари гуруҳи бош директори Боу Лат Ку сўзга чиқиб, Ўзбекистонда бугунги кунга келиб шакллантирилган инфратузилма сайёҳлик саноатининг энг юқори талабларига жавоб беришини таъкидлаб ўтди. «Бугун сайёҳлик бозорида қўнгилочар саёҳатдан кўра, маърифий сайёҳлик, тарихий ва муқаддас жойларни зиёрат қилишга бўлган қизиқиш кучайгани кузатилмоқда. Бу борада ислом маданиятининг марказларидан бири бўлган Ўзбекистонда хорижий сайёҳларни жалб этиш учун катта имкониятлар мавжуд», - деди у.

Б. Л. Кунинг мулоҳазаларини «Five Star Tour» сайёҳлик агентлигининг раҳбари Женни Лим хоним давом эттириб, Ўзбекистонда ишбилармонларга сайёҳлик борасида ҳам катта имкониятлар мавжудлигини қайд этди. «Ўзбекистонга бораётган сингапурлик ишбилармонларнинг аксарияти сафар дастурига Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларига саёҳатни ҳам қўшишни сўрашади»,- дейди Ж.Лим хоним.

«Ik Chin Travel» сайёҳлик агентлиги катта менежери Киан Тохнинг айтишича, хорижий меҳмонларда доим ўзбек халқининг самимийлиги ва меҳмондўстлиги катта таассурот уйғотган. «Кўп асрли тарихга эга бўлган Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарлар бутун дунё сайёҳларини ўзига мафтун этиб келади, - дейди К. Тох. - Тошкентнинг 2200 йиллиги нишонланиши муносабати билан эса биз сингапурлик сайёҳларга Ўзбекистон шаҳарлари бўйлаб махсус турлар ташкил этиш ниятидамиз».

Тадбир давомида иштирокчилар эътиборига мамлакатимизга бағишланган ҳужжатли фильм намойиш этилди. Давра суҳбати якунида «Universal Travel» сайёҳлик операторлари гуруҳи мамлакатдаги бошқа агентликлар билан биргаликда Ўзбекистонни Сингапур сайёҳлик бозорида тарғиб этишга ихтисослашувчи консорциум тузиш мақсадида эканини маълум қилди.

КЎРГАЗМА

Дунё болалар нигоҳида

Зафар Абдуғаффоров,
«Жаҳон» АА.

Болалар дунёни қандай кўрса, шундайлигича акс эттиради. Шуннг учун ҳам болалар томонидан яратилган сурат ва расмларда ҳаётнинг барча рангларини, унинг барча қирраларини кузатиш мумкин. Тасвирий санъат орқали болалар ўз истеъдодларининг янги-янги қирраларини очибгина қолмай, ижтимоий ва ҳаттоки глобал муаммолар борасида ҳам ўз муносабатини билдириш учун имкон топади.

БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми» жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган болалар фотосурат ва расмлари кўразмаси айнан мана шу – болаларга ўз истеъдодини намоён этиш ва замонамизнинг энг долзарб масалалари юзасидан фикр билдириш имкониятини бериш мақсадида ташкил этилди.

Тошкентдаги Болалар ижодиёти марказида очилган кўргазмадан жой олган асарларда таълим-тарбия, ногиронлик, оилада яшаш ҳуқуқи, жамият, маданият, табиатни асраш мавзулари кенг ёритилган.

Мазкур лойиҳа доирасида ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси Тошкент ва Самарқанддаги бир қатор «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчиларини суратқашлик санъати асослари билан таништирди. Халқ таълими вазирлиги кўмагида ёш суратткашлар бир қтор болалар уйлари, ўрта ва махсуслаштирилган мактабларда, оилалар ва маҳаллаларда бўлиб, фотосессиялар ўтказишди. Семинарлар чоғида болалар нафақат суратга олиш сирлари, балки фотоасарлар орқали ўзининг ён-атрофдаги оламга бўлган муносабатини билдиришни ҳам ўрганишди.

«Ўз истеъдоди ва ижтимоий ҳолатидан қатъи назар ҳар бир бола ён атрофидаги воқеа-ҳодиса ва жараёнларга ўз шахсий муносабатини билдириш ҳуқуқига эга бўлиши керак, - деди тадбир очилиш маросимида ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Маҳбуб Шариф. – Болаларнинг бу гўзал асарларини томоша қилиб, ёш авлод вакиллари энг муҳим ижтимоий масалалар юзасидан ҳам ўзининг аниқ ва теран муносабатига эга эканига гувоҳ бўлдим».

Кўразмада «Бола ҳуқуқлари болалар нигоҳида» республика танлови ғолибларининг суратлари ҳам намойиш этилди. Танлов ЮНИСЕФ билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишлаб, мамлакатимиздаги тўққиз мингдан зиёд мактабда ўтказилган эди.

- Кўргазма бизга нафақат ён-атрофни тасвирлаш, балки ҳаётдаги энг муҳим нарсалар, хусусан, дунё гўзаллиги, инсонийлик, дўстлик ва меҳр-оқибат тушунчаларини кўриш ва қадрлай олишга ўргатди, - деди тадбир иштирокчиси Тамила Кохан.

ФУТБОЛ

Одилжон КАРИМОВ

Сўнгги йилларда миллий чемпионатимиз жамоалари ўртасидаги рақобат анча кучайди. Буни «Пахтакор», «Маъшал», «Бунёдкор» клублари мисолида бемалол кўришимиз мумкин. Бу жамоаларнинг амалга ошираётган трансферлари, маркетинг, тарғибот-ташвиқот ишлари, жамоа инфратузилмасини тўғри шаклланганлиги, айтиш мумкинки юртимиздаги хоҳлаган бошқа клубларга ўрнак бўла олади. Улар иштирокидаги бўлажак учрашувлар ҳар томонлама, томошабин тўплаш борасида ҳам, ўйинга қизиқиш борасида ҳам, ОАВларнинг эътибори жиҳатдан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбек номини дунёга таратаётган жамоа

Қисқа вақт ичида ўз олдига юксак мақсадларни қўйган жамоалардан бири «Бунёдкор» футбол клубидир.

«Бунёдкор» футбол клуби (аввалги номи - «Қурувчи») 2005 йилнинг 6 июлида ташкил этилди. Клубнинг тўлиқ номи «Бунёдкор ФК» деб юритилади. "Қурувчи" 2005 йилги мавсумни Тошкент шаҳри чемпионатида (2-лигада) ўтказиб, биринчи лигага йўл олади. Ўтиш турнирини ҳам муваффақиятли якунлаган жамоа 2006 йилдан бошлаб биринчи лигада иштирок эта бошлайди. Жамоа биринчи лигадаги илк мавсумида 38 учрашувда майдонга тушди ва шуларнинг 27 тасида ғалаба, 5 та дуранг ва 6 марта мағлубият қайд этиб, биринчи лиганинг ғолиби сифатида мавсумни якунлаган ҳолда, 2007 йилдан олий лигада иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган. Олий лига йўлланмасини қўлга киритилишида ўша вақтдаги бош мураббий Ҳикмат Эргашевнинг ҳиссаси катта бўлди.

2007 йилдан эътиборан Олий лигада дебют мавсумини ўтказган жамоа жуда кўплаб рекордларни янгилади. Яъни, бунгача ўтказилган 16 та мавсумда дебютант клублар қайд этган рекордларнинг аксарияти айнан мазкур жамоа томонидан янгиланди. Энг кўп гол уриш, энг кам гол ўтказиб юбориш, фаворит клублардан очко тортиб олиш каби рекордлар шулар жумласидандир. Шунингдек, 2007 йилги мавсум тўпурари деб жамоа аъзоси Илҳом Мўминжонов тан олинди (21 гол билан).

Жамоа 2007 йилги мавсумда Олий лига баҳсларида 30 та учрашув ўтказиб, шуларнинг 22 тасида ғалаба, 5 ўйинда дуранг ва 3 та учрашувда имкониятни бой бердилар. Рақиблари дарвозасига 62 та тўп киритиб, ўз дарвозасидан 16 та ўтказиб юборди. Умумий ҳисобда 71 очко жамғарган жамоа чемпионатнинг кумуш медалларини қўлга киритди. Клуб мамлакат кубоги доирасидаги турнирда ҳам анча ишончли тўп сурди. Кубок финалига қадар етиб борган жамоа ҳал қилувчи баҳсда амалдаги чемпион "Пахтакор" билан рўбарў келди. Финал учрашувининг асосий вақтида ҳисоб очилмади. Бироқ пенальтилар сериясида омад "Пахтакор"га кулиб боқди.

Булардан тўғри хулоса чиқарган «Бунёдкор» вакиллари 2008 йил мавсумида катта ишларни амалга оширдилар. Дастлаб, «МХСК» ўйингоҳи капитал ремонтдан чиқарилди. Жамоа трансфер бозорида бир қатор шов-шувли харидларни амалга оширди. Натижада «Пахтакор»нинг етакчи футболчилари Сервер Жепаров, Анвар Солиев, Темур Копадзелар «Бунёдкор» жамоаси либосини кийдилар. Четда ўйнаётган Улуғбек Бақоев ва Алексей Николаев каби футболчилар яна юртимизга қайтарилди. Маркетинг, реклама ишларига ҳам катта эътибор берилди. Жамоа мухлислари учун фан-клуб ташкил этилиб, ишқибозларга барча шароитлар яратилди. Жамоа инфратузилмасини тўғри тузиш учун Испаниянинг "Барселона" клуби билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйди ва 2010 йилгача каталонияликлар билан иккита ўртоқлик учрашувини ўтказадиган ҳамда учрашувнинг бири Тошкентда бўладиган бўлди.

Ёзда "Барселона" юлдузлари Самуэл Это'О, Андреас Иньеста, Карлес Пуйоль каби футболчилари Ўзбекистонга ташриф буюриб, мамлакатда футболни янада ривожлантириш борасида ишларни давом эттирадиган бир қатор лойиҳаларда иштирок этиб қайтдилар.

Жамоанинг жаҳон ва Европанинг 1999 йилдаги энг яхши футболчиси Ривалдо билан шартнома тузиши дунё аҳли эътиборини тортди. Ривалдонинг ҳамюрти Зико ҳамда Луизао ва чилилик Вилланувева клубга таклиф қилиндилар.

Клуб Осиё чемпионлар лигасида муносиб иштирок этиб, ярим финалгача етиб келди. Бу мавсумда эса Ўзбекистон кубогини қўлга киритди ва чемпионликни ҳам деярли ўзиники қилди.

Ҳозирда Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси эълон қилган дунё клубларининг янги рейтингларига кўра, "Бунёдкор" Осиёда биринчи, МДҲда учинчи, жаҳонда эса 59-ўринни эгаллаб турибди. Таъкидлаш жоизки, жамоа қисқа вақт ичида IFFHS рейтингида жуда катта юксалишга эришган клублар ичида етакчи бўлиб олди. Шу йилнинг январь ойида эълон қилинган дунё клублари рейтингида "қалдирғочлар" 315-поғонадан (илк бора) ўрин олишганди. Орадан ўн ой ўтиб «Бунёдкор» рўйхатда 256-поғона юқорига кўтарилишга эришди.

Дунёнинг кўзга кўринган клубларининг барчасида футбол академиялари мавжуд. «Бунёдкор» клубига ҳам академия барпо этилиши учун 36 гектар майдон ажратилди. 150 млн. АҚШ долларига баҳоланган лойиҳа бўйича қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Бундай катта ишларни амалга ошираётган клуб раҳбарлари узоқни кўзлаган ҳолда келажак учун ўзига хос пойдевор яратмоқдалар.

ЛАҲЗА

Бобо қўрғонларни тиклаган ғиштлар

Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин САЙЙИД билан суҳбат

- Истиқлол ҳақида гапирганда аввало, ватанпарварлик туйғусини англаб етмай туриб, мустақиллик саодатини чин дилдан ҳис этиш қийин. Бир ижодкор, бир фуқаро сифатида фикрларингизни билдирсангиз.

- Сервиқор чўққилар нечун кўкларга бўй чўзади? Шарқироқ жилғалар нима учун тоғлар бағридан кенгликларга чопади? Мағрур бургутлар не учун озод осмонларни хуш кўради? Уммонлар не сабабдан пўртана солиб ҳайқиради? Осмону фалакларга қилич солиб чақмоқлар чақнайди, момақалдироқлар гулдирайди. Селлар, тошқинлар рўй беради. Майсалар ўсади, дарахтлар гуллайди. Нима учун? Тасаввур саҳроларига тафаккур карвонларини йўллаб мулоҳаза қилсангиз – ҳаммасининг замирида бир интилиш, озодлик, кенглик, эркинликка талпиниш бордек туюлади. "Озодликнинг қадрига етмоғим учун гўдаклик чоғларимдан менинг қўлларимни бешикка бойладилар" деб ёзади бир шоир.

Она қорнидаги тутқун зурриёт озод, ёруғ дунёга нима учун келади? Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпонлар туғилганда "қиличларнинг тилларида қизил қон" бор эди. "Ҳалокат бўлғусин билмай қулочни катта отдим-ку!" дейди Чўлпон. 130 йил давомида бизни "Эгил!" дедилар. Қад ростлашинг, кўксингни кўтаришинг мумкин эмас!

Биз фарзанд тарбиялар эканмиз – Ватанимиз, миллатимизнинг келажагини тарбиялаймиз. Истиқлолимизнинг ўн етти йилида тиклаганимиз – ёш авлод учун ўн етти минг йиллик аҳамиятга, ҳикмат ва мазмунга эга десак асло муболаға бўлмайди. Буғдой донасининг ҳам бошоқ бўлиш озодлиги бор. Бунгача унга қанчалар сув, қанча ҳавою нур, яна қанча парвариш билан эъзоз керак бўлади. Ўз тупроғининг бир хас ё майсасини билиб, англаб, қадрига етиб ўсган боланинг қалбидаги меҳр азим чинор бўлиб вояга етади, бундайин азамат чинорга ҳеч қандай куч даҳл қилолмайди.

- Шу ўринда савол туғилади: миллий анъана ва қадриятларни сингдирмай, кишини ватанпарвар қилиб тарбиялаш мумкинми?

- Элда "Кўп қарининг ичида бир бола доно бўлур, кўп боланинг ичида бир қари бола бўлур" деган гап бор. Яна қизиқ нақл борки, "Кўра-кўра кўзчил бўласан, сўзлай-сўзлай сўзчил бўласан" дейилади. Бугунги ҳаётимиздаги жамики саъй-ҳаракатлар айнан сиз айтган – миллий қадриятларимизни ёш авлод қалбига сингдиришга йўналтирилган. Бу ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ, албатта. Баъзан бир бемаза, бузуқ қўшиқнинг таъсири сел тошқинидан ҳам ёмон бўлиши, мурғак, навниҳол қалбни йўлдан уриб, бошқа ўзанларга солиб юбориши мумкин. Навоий бобомизнинг жаҳон адабиётининг энг оғир китобларидан бири Фаридиддин Атторнинг "Мантиқ ут-тайр" асарини тўрт-беш ёшида астойдил мутолаа қилганларини ҳар гал эсласак – бу ҳайратланарли мисолнинг неча авлодларга ибрат бўлгулик жиҳатлари борлиги кишини ўйлантириб қўяди. Албатта, ҳар бир оиладан биттадан Навоий чиқиши ақл бовар қилмайдиган гап. Бироқ, ҳар хонадонда ўқимишли, китобхон ўғил-қизларнинг кўпайиши сиз айтган керакли туйғуларнинг камолга етмоғини таъминлай олади.

- Модомики, гап маънавият ҳақида кетар экан, маънавиятни тушуниш, англаш – аввало инсонни англаш, тушуниш дегани эмасми? Инсон камолоти – инсоннинг ўзидами ёки ўзиданми?

- Муҳтарам Президентимизнинг **"Юксак маънавият – енгилмас куч"** китобининг алоҳида фасли **"Инсон қалбига йўл"** деб номланади. Ҳамма кутган бу китобни, мен таъбир жоиз бўлса, Мустақиллик майдонимизга ўхшатгим келади. Бунинг замирида теран ҳикмат яширинган. Тупроғимизда ўсиб турган чинорнинг ҳам ўз маънавияти бор. У – бобомиздан қолган, бобомизни кўрган чинор. Азизу авлиёларимизнинг назари тушган. Мусофирликда юрганда фарзандлар уни соғинишган. Сафарлардан қайтаётганда узоқдан кўринганда – юраклари орзиқиб талпинган. Яна бир қанча инсоний кечинма ва ҳолатларни санаб ўтиш мумкин. Бу қандай туйғу, номи, туси ва ё таъми борми бунинг? Дилни мавжлантиргувчи бу соғинч ҳам Ватан туйғусига киради. Истиқлолимизнинг энг улуғ шарофати – бизга ўзимизни, ўзлигимизни, кимлигимизни ўзимизга, миллатимизга англатгани бўлди. Ижтимоий ё шахсий фикр бўладими – бизнинг устувор қўрғонларимиз қандай маънавий пойдевор ва ғиштлардан бино бўлганини англаб бораётганимиз – жамиятимиз билан фуқароларимизнинг камолини белгилаб беради.

Инсон ўз номи билан – зиддиятларию кечинмалари, изтиробларию қувончлари, меҳнату заҳматлари билан инсон. Мавжудотлараро азизу мўътабар қилиб яратилган инсонга эзгуликлар ярашади, боғлар барпо этиб, гўзал хулқли фарзандлар тарбиялаб, юрти – Ватанини обод қилишдек чиройли амаллар ярашади. Инсонни англаш – унинг ўзлигини, эзгулигию азизлигини ҳам англаш демакдир.

Суҳбатдош
Жамшид ХОЛОВ

Навоийнинг набиралари

Тирикликнинг бол, ширалари,
Бири улуғ, кичик бирлари,
Фахр этиб юргайдир бари,
Навоийнинг набиралари.
Ярқирайди тилло узукдек,
Шу узукка қўйилган кўздек.
Бири Бобур, бири Улуғбек —
Навоийнинг набиралари.
Кўркам бўю қадду қоматлар,
Кулса шундай кулар омадлар.
Чиқмасин ҳеч сиздан номардлар,
Навоийнинг набиралари.
Ўз кўнглида кўзлар Марсларни,
Гижинглатиб юрар «Мерс»ларни.
Қолдирмасин экан дарсларни,
Навоийнинг набиралари.
Чиннидай оқ дорилфунунлар,
Сизга — йиллар, сизга бу кунлар.
Илм ишқида бўлинг Мажнунлар,
Навоийнинг набиралари.
Қадим замон, Ҳақ замонидан,
Олтин чиққан олтин ёнидан,
Сиз ҳам ўшал олтин конидан,
Навоийнинг набиралари.
Интилсангиз — бир кун етгайсиз,
Манзилларга зиё элтгайсиз.
Фарҳод-Ширин бўлиб кетгайсиз,
Навоийнинг набиралари.
Куртак ёзар пайвандларингиз,
Унутманг ҳеч: дилбандларингиз,
Туғилажак фарзандларингиз —
Навоийнинг набиралари.
Ҳазрат бобо Сўзни ўйлаган,
Қанча қошу кўзни ўйлаган.
Асли зот Сизни ўйлаган,
Навоийнинг набиралари.
Эл-юрт омон, даврон саломат,
Яратгандан Сизга каромат.
Ҳаёт ўзи айлар хушомад,
Навоийнинг набиралари.
Умр асли — насиб ё насиб,
Ҳар дилга бир гул мутаносиб.
Навоийга бўлсин муносиб,
Навоийнинг набиралари.

Ватан абадий

Бахрайн сувларига чайдим юзимни,
Насимлар эсдилар илиқ, арабий.
Бир осмон тўлдириб келди кўксимни,
Ватан қолар экан, Ватан абадий.
Не зотлар ўтдилар Ватандан айро,
Севинчи савдою соғинчи саҳро.
Кўксимни тўлдириб келди бир дарё,
Ватан қолар экан, Ватан абадий.
Бобо қирлардаги бир хас ё тикан,
Шу ҳам кимларгадир зўр армон экан,
Кўп экан зар топиб, зор бўлиб юрган,
Ватан қолар экан, Ватан абадий.
Ким ахир бу даҳри дундан ўтмагай?
Ким ахир бир куни асо тутмагай?
Тандан жон кетар, лек Ватан кетмагай,
Ватан қолар экан, Ватан абадий.
Ҳар тепа, ҳар дўнглик турбат эмасдир,
Ҳар қандай айрилиқ ғурбат эмасдир.
Юртдан кетган ҳар зот Фурқат эмасдир,
Ватан қолар экан, Ватан абадий.
Олмон тупроғида бир немис аёл,
Кўзда ёш, ўзбекча айлади савол.
Халқим, нону тузинг ҳамиша ҳалол,
Ватан қолар экан, Ватан абадий.
Ҳар кекса, ҳар ёшнинг заҳматларида,
Азим чинорларнинг ҳикматларида,
Ҳазрат Яссавийнинг хилқатларида
Ватан қолар экан, Ватан абадий.
Айб эмас аввалий ва ё сониймиз,
Агарчи инсонмиз вале фониймиз.
Барчамиз ушбу кун туркистониймиз,
Ватан қолар экан, Ватан абадий.
Аста барг тўкмоқда зарҳал оғочлар,
Умр гўё тўлар божу хирожлар.
Келиб кетар экан қанча Сирожлар,
Ватан қолар экан, Ватан абадий.

Спортчиларимиз XIX Гелиополис халқаро мусобақасида муваффақиятли иштирок этди

«Жаҳон» АА,
Қоҳира

Қоҳирада сув полоси ва синхрон сузиш бўйича ўтказилган XIX Гелиополис халқаро мусобақаси 25 октябрь куни ниҳоясига етди. Эркаклар ўртасида бўлиб ўтган сув полоси мусобақаларида Наманганнинг «Динамо» жамоаси муваффақиятли иштирок этди.

Юртимиз спортчилари Мисрнинг «Гелиополис-2» ва Қувайт жамоаларини мағлубиятга учратиб, ярим финалга чиқди. Бироқ ярим финалда Мисрнинг «Гелиополис» жамоасига имконият бой берилди, учинчи ўрин учун бўлган учрашувда эса Венгрия жамоаси устидан ғалаба қозонилди.

Ўзбекистон жамоаси имкониятлари кўпгина спорт мутахассис ва шарҳловчилари томонидан юқори баҳоланди. Улар юртимиз спортчилари бундай маҳорат ва салоҳият билан келгусида мусобақа ғолиблигига асосий даъвогарлардан бири бўлишига шубҳа йўқ эканлигини қайд этишди.

"ЯНГИ АВЛОД-2008"

А.САТТОРОВ,
ЎзА мухбири

Эзгу мақсад йўлида

Ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларни буюк аждодларимизга муносиб ворислар этиб вояга етказиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Бунда турли кўрик-танловлар ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда. «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивали ҳам бу борадаги амалий ишларга яққол мисол бўла олади. Фестивалнинг Наманган вилояти босқичида беш юзга яқин ўғил-қиз иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган фестивалнинг нуфузи, ёшларнинг унда иштирок этишга бўлган иштиёқи йил сайин ошиб боряпти. Буни фестивалнинг шаҳар ва туман босқичларида мингга яқин ёш истеъдод эгаси ижодий қобилиятини синовдан ўтказгани ҳам кўрсатиб турибди.

Классик, вокал, миллий чолғу асбоблари, рақс, амалий ва тасвирий санъат, бадиий ижод йўналишларида ўз истеъдодини намоён этиб, юқори натижаларни қўлга киритган ўғил-қизлар фестивалнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

– "Шеърий, насрий ва саҳна асарлари" номинациясида муваффақиятли иштирок этдим, – дейди Наманган шаҳридаги 31-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Ориф Олимжонов. – Бу ўзимга бўлган ишончни янада мустаҳкамлади. Президентимиз томонидан биз, ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрликка жавобан яхши ўқиш, юртимиз тараққиётига ҳисса қўша оладиган инсонлар бўлиб етишиш ҳар биримизнинг эзгу мақсадимиздир.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ:
«МАТУБОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Ахтам ТУРСУНОВ, Ахрор АҲМЕДОВ, Ғолибшер ЗИЯЕВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Ражаб ЖУМАНИЁЗОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир ШАРОПОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир:
Жалолиддин САФОЕВ

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи-назаридан фарқланиши мумкин. Реклама ва эълонлардаги факт ва далиллар учун таҳририят жавобгарликни ўз бўйнига олмайди.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета ҳафтанинг пайшанба куни чиқади.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўхатдан ўтган.
Буюртма — Г-1023

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-3712) 234-87-74, 234-87-73, 234-86-41
ФАКС: (8-371) 234-69-55

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2

Саҳифаловчи:
Акбар ШОДИЕВ
Навбатчи муҳаррир:
Исмат ХУДОЁРОВ
Навбатчи:
Фароғат НИЗАМОВА

«ШАРҚ» нашриёти-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 20.50.

1 2 3 4 5 6 8